

ВАТАНПАРВАР

ТАРИХНИНГ ЎЗИ ГУВОҲ — АЁЛШАЪНИГА ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ҚАСИДАЛАР, ШЕЪРУ ДОСТОНЛАР БИТИЛГАН БЎЛМАСИН, ТОКИ ДУНЁДА ОДАМЗОТ БОР ЭКАН, ТОКИ ОНА МЕҲРИ, АЁЛ МУҲАББАТИ БАРҚАРОР ЭКАН, БУ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ МАВЗУ ҲЕЧ ҚАЧОН ПОЁНИГА ЕТМАГАЙ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
 2009 йил, 7 март, шанба № 10 (2293). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган. | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
 Суббота, 7 марта, 2009 год № 10 (2293). | Газета издается с 24 июня 1992 года.
 Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу — цена договорная

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
 Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!
 Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу ажойиб байрам тимсолида биз авваламбор баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бир-бирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдиришини беихтиёр ҳис этамиз. Шу улуғ айёмда аёлларимизнинг беқиёс нафосати, ҳусну малоҳатини ўзимиз учун янгитдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ — аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеър дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзот бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмагай. Нега деганда, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуғ ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидаги барча шоирлар юз йил таъриф этганларида ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайдилар, деганида, ҳеч шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар аввало муқаддас заманимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларини назарда тутиб айтилган, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг дилидаги фикрни ифода этган бўламан.

Мана шундай шуқуҳли дамларда биз авваламбор барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган мўътабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни бажо келтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг позик елкасида рўзгор ташвишларини беиннат кўтариб келаётган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги ғоят мураккаб даврда сиз, муҳтарама опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида — бу давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орзуси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки, аёлни улуғлаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш — демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастуридан ўрин олган амалий вазифалар — опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ва мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!

Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамнингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толенингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз доимо бутун бўлсин!

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,
 Ўзбекистон Республикаси Президенти



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

8
 МАРТ

Гул ўзинг, райҳон ўзинг, посбон ўзинг

ШУ СОНДА

- Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга марҳамат 7
- Бойчечагим — сирдошим 10
- «Coca-cola»дан электр энергияси 16
- Аскар уйига қайтди 18-19
- Барчинойлар беллашганда 22
- «Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл» 24



3 ТАПТАНА
 СИЗГА ТАЪЗИМ,
 СИЗГА ЭҲТИРОМ



4 ИДЕТ
 БОЕВАЯ
 УЧЕБА
 В СЛОЖНЫХ
 МЕТЕОУСЛОВИЯХ



19 АСКАР
 УЙИГА
 ҚАЙТДИ
 ЙИГИТЛИК
 БУРЧНИ
 УТАГАН ЭРЛАР



23 СПОРТ
 «АЁЛЛАР
 СПАРТАКИАДАСИ»

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Харбий коллегия

ВАЗИФАЛАР САЛОҲИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллигига бағишланган Мурожаатида Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтириш борасида олдимизда турган устувор вазифаларга эътибор қаратади. Демак, бу масъулиятли вазифаларни юрак-юракдан англаб, ижро этиш миллий армиямиз нуфузи янада ошиши, посбонларимизнинг маҳоратда, матонатда ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъмин этади.

Бугун ҳар қанча ғурур, фахр билан сўзлашимиз мумкин – миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз юртимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳ-

нати ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишимизни таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Бироқ шуни унутмаслигимиз лозим, террорчилик ва экстремистик хуружлар, нарко-агрессия, жаҳоннинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, халқаро хавфсизликка ҳали-ҳануз таҳдид солмоқда. Бу эса ўз навбатида армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Мудофаа вазирлигида ўтказилган Ҳарбий коллегияда Президентимиз Мурожаатида олдимизга қўйилган устувор вазифалар ва ҳарбий бошқарув органларининг улардан келиб чиқадиган вазифаларига, ортада қолган йил бўйича молиявий-иқтисодий ишлар

яқунлари ҳамда олдинда турган муҳим режалар, қақирув билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Мудофаа вазири генерал-майор Қ.Бердиев ўз сўзида давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар йўлида амалга ошириб келинаётган муҳим ишларга тўхта-лар экан, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланишини янада юксалтириш, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизими самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларни янада кучайтириш кераклигига эътиборни қаратди.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А.Косьяненко ўз маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, жанговар тайёргарлик самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, олдимизда турган муҳим

масалаларга тўхталди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов ўз маърузасида Юртбошимизнинг Мурожаатидан келиб чиқиб, олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада шакллантириш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилятларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтириш борасидаги муҳим масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Мудофаа вазирининг ўринбосари – молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи Ф.Саломов қўшинларда иқтисодий ишларнинг аҳволини таҳлил қилар экан, йўл қўйилган айрим хато, камчиликларга, моддий воситалардан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлигига тўхталди.

Маълумки, Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини янада такомиллаштиришга, Қуролли Кучларни қақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилмоқда. Буни айни пайтда қизғин суръатда амалга оширилаётган қақирув жараёни миқсолида ҳам кўриш мумкин.

Қун тартибдаги қақирув масалалари бўйича маърузалар тингланиб, мазкур Фармон асосида амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.



РЕСПУБЛИКА ҲАРБИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббус билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Зеро, иқтисодиётнинг мафқурадан ҳоли бўлиши, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўзинмасига олиши, қонуни устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби тамойиллар бугун дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар соҳаси ва касаначиликка кенг йўл очилгани, уларга барча шарт-шароитлар яратилаётгани ҳамда фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётгани иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим омилли ҳисобланиб, халқимизнинг турмуш даражаси ва иқтисодий манфаатдорлигининг ошириш борасида ўз самарасини бермоқда.

Йиғилиш сўнггида давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги устувор вазифалар ижросини суд-ҳуқуқ тизимида таъминлашга онд аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Адлия лейтенанти
Жамшид РАҲМОНОВ.

Твои герои, Узбекистан!

«АЛЛО, Я ВАС СЛУШАЮ!»

Голос Антонины Яковлевны Карасевой знают многие военнослужащие. И она, вот уже много лет работая на узле связи, узнает своих абонентов с полуслова.

— В прежние времена, — рассказывает Антонина Яковлевна, — в «телефонные барышни» брали только девушек, не обремененных семейными обязанностями и умеющих быстро сориентироваться по возникающей необходимости соединить для ведения разговоров различных абонентов. Считалось, что только такие специалисты способны выдержать огромное напряжение и в течение смены сохранять приветливый голос.

Времена изменились, но по-прежнему к служащим Вооруженных Сил, работающим на телефонных станциях, предъявляются практически столь же безусловные требования: высокая ответственность, оперативность и быстрота соединения, безупречная вежливость, терпение и полная отрешенность от домашних проблем.

Будучи, наверное, одним из самых опытных специалистов Антонина Яковлевна является для своих сослуживцев не только примером доброжелательного отношения к делу, но и хорошим советчиком и добрым наставником. Не раз ее вызывали на службу и в выходные, и в праздники, и в неурочные дни. И всегда она выходила: подменить заболевшую

подругу, помочь в сложной ситуации коллективу, поддержать молодежь, когда нагрузки превышают обычные нормы.

— У работников военной связи, — улыбается Антонина Яковлевна, — нет слова «нет». Мы должны быть готовы в любую минуту занять свое место и приступить к работе.

Ее отношение к делу — лучшая школа для начинающих телефонисток. Многие из них, уже поступив на контрактную службу, став младшими сержантами, старшими телефонистками и начальниками смен, благодарны ей за учебу, помощь и поддержку.

— На службе у нас все строго, — рассказывает Антонина Карасева. — Обращение только по уставу. А в остальное время мы очень дружный, в основном женский коллектив, умеющий и поддержать подруг и порадоваться успехам каждой, как на службе, так и в личной жизни.

Неудивительно, что известие о награждении Карасевой Антонины Яковлевны, телефонистки узла связи, медалью «Содик хизматлари учун» было встречено в ее коллективе с большой радостью, огромным букетом цветов, объятиями и поздравлениями сослуживцев и боевых подруг. Ее добросовестный труд отмечен высокой государственной наградой.



— Это был самый счастливый день в моей жизни, — признается Антонина Яковлевна. — Мой труд заслужил столь же высокую оценку, как и безупречная служба сержантов и офицеров. Правильно говорят в народе: добросовестно работая на себя, работаешь на всех.

Владимир КАЛОШИН.

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, мамлакатимизни модернизация қилишда, ислохотлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланмоқда.

6 март кунини хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Мустақиллик майдонидаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу кунини «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Сарой фойсидида «Қўли гулдир ўзбек аёли» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Бадний академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатаётган рассом ва хунарманд аёлларнинг ижод намуналари қўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадний ижод ва миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги

ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда рассомлик билан бирга миллий хунармандликнинг каштачилик, чеварлик, кулолчилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова Президентимиз раҳнамолигида демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан барпо этишга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб юборган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини тобора юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишидаги эзгу чора-тадбирлар ҳажми тобора ортмоқда. Шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқларда барпо этилаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат масканлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Маҳалларда, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, овуларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар оилалар тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятимизда бағрикенглик, меҳроқибат, эзгулик ва саховат муҳитини таъминлашда фаол иштирок этаётир.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш шароитини янада яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига кенг жалб этишга доир ибратли ишлар ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам касаначиликни кенг жорий этиш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга онд

чора-тадбирлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид хотин-қизларни байрам билан қутлади. Ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Кумар Бегниязова, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи талабаси Зумрад Тазетдинова, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Насиба Шарипова хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Хотин-қизларига йўллаган байрам табриклари билан бирида шундай деганди: «Биз аёл тинчликда Яратганининг буюк мўъжизаси бўлмиш муқаддас она сиймосини кўрамиз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган бу улуг зотнинг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиз». Ҳа, оналаримиз, аёлларимизни қанча эъзозласак, қанча эҳтиром кўрсатсак, шунча кам. Бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратишга қодир бундайин зотлар олдида доимо таъзимдамиз.

Шоирлар кўпинча аёлларни баҳорга, гулга ўхшатишади. Бунга ҳамоҳанг кўнглимиздаги энг гўзал баҳор – аёл, кўнглимиздаги энг сара гул – аёл, дегим келади.

Янги-янги муаммолар, ташвишларини олдимизга кўндаланг кўяётган шиддатли давр оналаримиз, аёлларимиз, сингилларимизни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатишимизни тақозо этади. Шу маънода давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳасида, кўпинча барча жабҳада, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда аёлларимизнинг хизматлари беқиёс эълолиги, истиқлол сабаб аёлларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаоллиги янада ошаётгани уларга бўлган эътиборимиздандир.

Жамиятимизда хизмат бурчи беэган аёлларимиз бор. Миллий армиямиз шаклланишида эркаклар билан бир сафда туриб, мардонавор хизмат қилаётган бу гўзалларини юрти, халқи ҳаловатини кўришни касб қилган, дея фахр билан айтишимиз мумкин. Тўмарис момомизнинг юрт ҳимояси йўлидаги жасорати, матонати, қатъияти, шижоати улар қалбида аланга олмоқда, десак муволафа бўлмайди.

Мудофаа вазирлигида хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда шундайини ўй-хаёл кўнглидан кечди.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А.Косьяненко мазкур сана муносабати билан хотин-қизларни табриқлаб, давлатимиз раҳбарияти томонидан аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаолликларини шакллантириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилиб келинаётганини алоҳида таъкидлади. Мудофаа вазирининг буйруғи ўқиб, эшиттирилди.

Тантанали тадбирга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорларининг куй-қўшиқлари янада жозоба, файз бағишлади.


Ўз мухбиримиз,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.



МАЛАКА

Мавсум ўқув машғулотида

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ САҚЛАБ



Айни кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлиmlаридида режа асосидида ўқув машғулоти кўтарилиши руҳидида давом этиаяпти.

...Эрта тонг. Ўқув тревогаси янгради. Барча ўзига бириктирилган қурол-аслаҳасини, сафар қопини олиб, саф майдончасига тўпланди. Командирнинг буйруғига биноан бўлиmlар полигон томон йўл олишди.

Полигон. Бу – посбонларнинг маҳоратини, билимини, жанговар шайлигини синовдан ўтказадиган майдон. Батальон командири офицер Зоир Турсунов ҳам шахсий таркиб билан дала-ўқув машғулотларини, яъни ўқ отиш машғулотини ўтказиш учун полигон томон йўл олди. Взвод ва гуруҳ командирларига тегишли топшириқлар берилган. Гуруҳ посбонлари по-

лигонгача тактик машғулотларни бажариб, ҳаракат қилишмоқда. Яъни жанговар шайлигини ошириб, белгиланган нуқталарни кузатиб, командирга ахборот беришяпти. Бу каби машғулотлар посбонларнинг тажрибалар ошишига хизмат қилади, албатта.

Белгиланган вақтда батальон шахсий таркиби гуруҳ-гуруҳ бўлиб, оралиқ масофани сақлаган ҳолда отиш майдончасига етиб келишди. Шундан сўнг шахсий таркиб турли ўқув нуқталарига бўлиб чиқилди. Офицер Улугбек Шарипов етакчилигидаги гуруҳ эса ўқ отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажа-

ришга тайёргарлик кўра бошлади.

Биринчи ўқув нуқтаси. Бу ерда шартнома бўйича хизмат оддий аскари Бобур Султонов посбонларга қуролни ўқ отишга тайёрлаш машғулотини олиб бормоқда. Аниқроғи, посбонларга тунги ва кундузги ўқ отиш машғулотлари жараёнида керак бўладиган барча асбоблардан фойдаланиб, амалий сабоқ бераяпти. Оддий аскар Бахтиёр Боев пулемётини муайян узокликка ўрнатиб, машқини бажармоқда. Машғулот раҳбари унга «якши» баҳо қўйди. Демак, яна озроқ машқ қилиш керак. Машқини оддий аскар Элдор Саидов такрорлади. Барча ҳаракатлари кичик командир томонидан «аъло»га баҳоланди.

Иккинчи ўқув нуқтасида офицер Шерзод Бўлишев посбонларга ўқ отиш ва қуролни ишлатишдаги хавфсизлик қоидаларини тушунтираяпти. Посбонлар машғулотни ўтиб бўлганларидан сўнг техника хавфсизлиги бўйича тегишли йўриқномага имзо чекиб, кейинги ўқув нуқтасига боришмоқда.

Навбатдаги ўқув нуқтасида кичик сержант Фурқат Аҳмедов посбонлар билан қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш машқини олиб борапти.

– Ўқ отиш тайёргарлигидан олдин ўтказилган бу каби машғулотлар посбонларнинг нишонга беҳато отишларини таъминлайди, – дейди кичик сержант.

Яна бир ўқув нуқтасида гранатомётдан нишонга отиш машғулоти ўтказилаяпти. Посбонларнинг хатти-ҳаракатлари табиий, ўзларини худди зарур вазиятдагидек ҳис қилишяпти.

Нихоят, ўқ отиш машғулоти раҳбари томонидан офицер У.Шарипов гуруҳига отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажаришга рухсат берилди. Офицер З.Турсунов посбонларнинг тайёргарлигини яна бир бор текшириб, ўз позицияларини эгаллашга буйруқ берди. Оддий аскар Миртемир Каримов майдоннинг чап томонида, оддий аскар Бекзод Аб-

диев эса ўнг томонида жойларини эгаллашиб, нишоннинг пайдо бўлишини кутишяпти.

Дастлабки нишон 100 метрлик масофада. Унинг кўтарилиб туриш вақти 10 секунд. Посбонлар бирин-кетин нишонга ўқ узишди. Оддий аскар М.Каримов нишонга беҳато ва аниқ урди. Оддий аскар Б.Абдиев эса иккинчи отишда нишонни яқсон қилди. Посбонлар олға силжишиб, ўз позицияларини ўзгартиришди. Навбатдаги нишон 200 метрлик масофада, ҳар 10 секундда икки марта пайдо бўлади. Посбонлар тик турган ва ўтирган ҳолда нишонга ўқ отишди. Натижа аълога баҳоланди. Машқ мураккаблашиб, нишон 300 метрлик масофада пайдо бўлди. Энди посбонлар ҳаракатдаги нишонни мўлжалга олишлари лозим. Бу анчагина мураккаб бўлиб, катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Бу сафар ҳам аскарлар нишонга аниқ отишди. Соё ичиди пайдо бўлган нишонга эса посбонлар югуриб борган ҳолда граната улоқтиришди ва уни яқсон қилишди.

Батальон шахсий таркиби ўқ отиш машқини муваффақиятли бажарди. Машғулот якунига кўра, офицер У.Шарипов гуруҳи ўқ отиш машқидида юқори натижа қайд этиб, энг илғор гуруҳ, дея эътироф этилди.

Машғулот раҳбари офицер Зоир Турсуновнинг таъкидлашича, оддий аскарлар – Достон Чориев, Соатмурод Рустамов, Ўрал Хуррамов кабилар энг яхши натижани кўрсатишиб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

Ҳа, жамоа қишқи мавсум ўқув машғулотларини юқори жанговар шайликда давом этиришяпти. Уларнинг қўлга киритаётган барча ютуқлари замирида Ватанга муносиб посбон бўлиш, уни асраб-авайлашга ҳаминша шай туриш, билим ва маҳоратда тенгсиз бўлишдек олижаноб мақсадлар мужассамдир, албатта.

Ахрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

Идет боевая учеба

В СЛОЖНЫХ МЕТЕОУСЛОВИЯХ

Вертолетчики наших Военно-Воздушных Сил выполняют колоссальный объем работы. В обеспечении режима повседневной учебы войск их важный вклад невозможно переоценить.

Побывав недавно в одной войсковой части, довелось наблюдать за тем, как винтокрылые машины в сложных метеоусловиях выполняют полетные задания. Экипажи уверенно наращивали боевое мастерство.

Мелкий, нудный дождь моросил упрямо. Звук работавших вертолетных двигателей, раздавшийся над головой, показался нереальным, ведь в нависшей свинцовой облачности ничего не было видно.

Над самой взлетно-посадочной полосой военного аэродрома прямо из густой пелены облаков вдруг вынырнула фигура боевого вертолета.

– Полеты в сложных метеоусловиях являются очень важным элементом боевой подготовки, – говорит офицер Баходир Аллаберганов. – В условиях нашего климата такая погода бывает нечасто, поэтому стараемся использовать ее максимально для повышения мастерства летного состава. Помимо дневных полетов будем еще летать и ночью.

Майору Алексею Курбатскому выпала честь летать с командиром. Вроде бы совсем несложное полетное задание: полет по кругу. Но когда он выполняется в пелене облаков только по показаниям приборов, это становится не таким уж легким испытанием. Совершив контрольное висение над полосой, вертолет с грохотом устремляется в небо и вскоре исчезает в серой мгле.

Для руководителя полетов майора Евгения Шигалева минуты ожидания посадки не кажутся долгими, как для нас. Он строго и четко контролирует полет, фиксируя доклады и показания приборов.

Наконец, вертолет показывается на горизонте, быстро увеличиваясь в размерах. А уже через некоторое время на рулежной дорожке следующий экипаж уходит на выполнение учебно-боевого задания.

Военному летчику второго класса офицеру Дильшоду Сотилову предстояло совершить полет по маршруту для того, чтобы получить допуск на инструктора. Экзамен был выдержан вполне успешно.

Майор Тохир Умаров, удостоенный государственной награды медали «Жасорат» за успехи в воинской службе, вместе со штурманом капитаном Отабеком Тиркашевым вырывают на пост технического контроля, где вертолет проходит строгий осмотр перед вылетом в небо. Безопасность полетов превыше всего.

– Мы с моим другом, курсантом Дильмуродом Бобожоновым, помогаем техническому составу эскадрильи запускать вертолеты, – говорит курсант пятого курса

ДВВАУ Шавкат Мурадов, проходящий в этой части войсковую стажировку. – Здесь очень дружный воинский коллектив, настоящие мастера своего дела.

Этим ребятам еще предстоит сдать Государственные экзамены, чтобы получить первое офицерское звание. А их старший товарищ лейтенант Санжар Сабиров уже готовится совершить свой первый офицерский полет. «Путевку в небо» молодому офицеру дает майор Тимур Аглиулин. Несомненно, этот ненастный день станет для Санжара самым важным в его офицерской биографии.

Для этих вертолетчиков, молодых и опытных, примером для подражания можно считать офицера Сергея Харламова. Выпускник самого первого выпуска ДВВАУ, с отличием окончивший училище, один из первых «соколов» авиации

независимого Узбекистана, потомственный военный летчик. Конечно, очень непросто занять свое место в истории, будучи сыном такого прославленного вертолетчика, как полковник в резерве Александр Харламов.

Неожиданно густая облачность расступилась, и ярко сверкнуло солнце. Для нас, иссеченных упругими струями ветра на взлетной полосе, этот луч солнца был всплеском радости и надежды. А вертолетчики загрузили: сложность полета будет уже не та.

Над аэродромом уже нависло непроглядное одеяло ночи, но винтокрылые машины продолжали бороздить небо.

Боевая учеба продолжается.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото майора Алишера БАБАХАНОВА.



За строкой Обращения Президента

ВАЖНЕЙШЕЕ СЛАГАЕМОЕ БОЕВОГО ПОТЕНЦИАЛА

Основными слагаемыми боевого потенциала Вооруженных Сил Республики Узбекистан являются: высокая техническая оснащенность, профессионализм и отточенное боевое мастерство военнослужащих, их высокие морально-боевые и психологические качества и крепость духа всего личного состава. В Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, все эти слагаемые нашли широкое обоснование как жизненно необходимые составляющие боевой мощи и боеспособности Вооруженных Сил: «Важнейшей задачей является оснащение армии современными видами вооружения и военной техники, призванными обеспечить ее высокую мобильность, маневренность и необходимую огневую мощь».

Статья 125 Конституции Республики Узбекистан гласит: «Вооруженные Силы Республики Узбекистан создаются для защиты государственного суверенитета и территориальной целостности Республики Узбекистан, мирной жизни и безопасности ее населения». Такую задачу в наше сложное и напряженное время могут решать только мобильные, хорошо оснащенные боевой техникой и оружием и отлично подготовленные Вооруженные Силы.

В Обращении главой государства отмечено: «В первую очередь необходимо обратить внимание на оснащение нашей армии современными боевыми машинами, электронными системами разведки и наблюдения, мобильными средствами высокоточного оружия, эффективными средствами связи. А также надежными средствами индивидуальной и групповой защиты».

Современные боевые машины — это очень подвижные, высоко проходимые, снабженные мощной броней машины. Они резко повышают подвижность и маневренность подразделений. Они могут проходить сотни километров, во взаимодействии с другой техникой вести эффективный наступательный бой, осуществлять блокирование и уничтожение групп бандформирований международных террористов или диверсионно-террористических групп.

Требование Верховного Главнокомандующего об обеспечении наших Вооруженных Сил электронными системами разведки и наблюдения делает более предметной работу командиров, штабов, органов боевого управления. Ведь использование совокупных данных всех видов разведки усиливает достоверность добытых данных и облегчает выработку командиром тактически правильного, обоснованного решения. В рамках усиления внимания к технической оснащенности лежит и требование главы государства об оснащении нашей армии мобильными средствами высокоточного оружия, эффективными средствами связи, а также надежными средствами индивидуальной и групповой защиты. В этом требовании — искренняя забота главы государства о человеке в военной форме, о его безопасности в боевых условиях. В нем же показатель того, что Вооруженные Силы Республики Узбекистан, оснащенные самой современной боевой техникой и оружием, новейшей аппаратурой, необходимой учебно-материальной базой, современными компьютерными и информационными технологиями, являются надежным гарантом независимости нашей страны.

Говоря о высокой технической оснащенности нашей национальной армии, мы не можем не подчеркнуть, что решающей силой в боевых условиях всегда был и остается человек, с его высокими морально-политическими, психологическими качествами, с его сознанием и высоким интеллектом. Какими бы совершенными ни были образцы и виды оружия и техники, без человека, военнослужащего, без его разума, воли мастерства, они не способны в полной мере проявить свою боевую мощь и свои качества. Значение человека-воина, как властелина грозного оружия и боевой техники, возрастает и в связи с тем, что ныне в войсках резко возросла доля оружия коллективного, группового пользования. Это обстоятельство значительно повысило требования к духовно-нравственным, волевым качествам военнослужащих, к боевой и технической подготовке как отдельного воина, так и воинского коллектива. Успех современного боя, как никогда, зависит от сплоченности, слаженности, организованности боевого коллектива, от четкого взаимодействия и взаимозаменяемости военных специалистов.

В своей знаменитой книге «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» Президент страны И. А. Каримов, обосновывая из

чего складывается боевая мощь и боеспособность Вооруженных Сил, на первое место ставит «численность и качество личного состава, которое определяется степенью его профессионализма, морально-психологическим уровнем, физической подготовленностью и дисциплинированностью». То есть в боевой мощи Вооруженных Сил человек-профессионал с высокими морально-психологическими качествами, дисциплинированный и физически подготовленный занимает ведущее место. От человека зависит решение всех сторон воинской жизнедеятельности и прежде всего вопросов боевой готовности.

«Наши Вооруженные Силы, — говорит глава государства в этой книге, — должны находиться в постоянной готовности к действиям в любой ситуации, иметь сбалансированный боевой потенциал, чтобы с учетом геостратегического положения нашей страны и географических особенностей ее территории они были способны дать достойный отпор вероятному агрессору всей своей мощью на суше и в воздушном пространстве». Это требование Верховного Главнокомандующего о необходимости постоянной боевой готовности в современных условиях приобретает особую остроту. Опираясь на него, разрабатывается кардинальная военная реформа, решаются практические задачи строительства и дальнейшего совершенствования Вооруженных Сил, улучшения их организации, оснащения, проявляется постоянная забота о боевой выучке и боевой мощи всех видов и родов Вооруженных Сил, о их гармоничном сочетании и совершенствовании на уровне современных требований.

Уровень выучки войск, а следовательно, и их боевой готовности в решающей степени зависит от командных кадров, от их способности правильно обучать подчиненных, умело организовывать их боевые действия и осуществлять твердое управление войсками в различных условиях боя.

Глава государства учит нас настойчивости и целеустремленности, видеть завтрашний день, способности умению твердо знать свои задачи и осознавать свою роль и свою ответственность в их выполнении. Потому вся деятельность военных кадров по обучению и воспитанию личного состава должна быть направлена на совершенствование профессионализма военнослужащих, умения тактически грамотно мыслить и оперативно действовать в любой обстановке, на привитие чувства ответственности каждому военнослужащему за безупречное выполнение своего воинского долга, на каком бы посту он ни находился.

В связи с этим, на первый план выдвигается ряд важнейших факторов, учет которых окажет значительное влияние на качественное выполнение задач повышения боевой готовности Вооруженных Сил.

Первый. Весь процесс обучения наших военнослужащих должен быть подчинен решению главной задачи — повышению боевой готовности к выполнению тактических и стратегических задач любой сложности.

Второй. Обучение личного состава должно опираться на научно обоснованные и проверенные на практике разработки. Учебный процесс должен строиться на основе широкого внедрения современных технических средств обучения, основанных на использовании информационно-коммуникационных технологий, методов моделирования и симуляции, новейших тренажеров.

Третий. В воспитательной работе необходимо усилить внимание к вопросам формирования у военнослужащих всех категорий высоких морально-боевых и психологических качеств, патриотизма, любви к независимой Родине, верности народу, Родине и Президенту.

В связи с решением задач оснащения войск современными видами оружия и военной техники одним из ос-

новных приоритетов воспитательной работы необходимо считать доведение до личного состава того неоспоримого факта, что современные вооружение, боевая техника, аппаратура, различные приборы, средства индивидуальной и групповой защиты — дорогостоящие материальные средства, которые необходимо беречь и умело эксплуатировать, не нанося ущерба государству. Надо чаще напоминать военнослужащим проверенную многими поколениями людей истину, что экономия и бережливость лежат в основе богатства общества. В военной сфере — это один из важных факторов обеспечения высокой боевой готовности и боеспособности войск.

Четвертый. Предметом особой заботы всех офицеров и сержантов должно быть регулярное, систематическое доведение до личного состава особенностей, сложности и напряженности военно-политической обстановки в мире и регионе, глубокое разъяснение того факта, что международные террористы, другие деструктивные силы не отказываются от своего стремления подорвать социально-политическую стабильность в нашей стране, гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие в нашем обществе, лишить нас независимости, демократии и свободы, всего, на чем базируется наше благополучие и благосостояние. И, как следствие этого, мы должны добиться, чтобы каждый военнослужащий через свое сердце пропустил нравственный наказ главы нашего государства — быть бдительными и внимательными.

Завершая разговор по третьей задаче, поставленной Президентом страны, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами в его Обращении, можно смело сказать, что наши военные кадры, весь народ Узбекистана получили документ огромного общественно-политического звучания, значительно обогащающий наше видение мира, наш подход к решению проблем военного строительства, наше отношение к текущим и перспективным задачам.

Алифим ХЛЫЗОВ.



ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ФАХРИМИЗ

Биз Чироқчи туманининг Чиял қишлоғида яшаймиз. Бу қишлоқни Қашқадарёда катта-кичик билди, десак муболага бўлмайди. Қишлоғимизда ўзига хос миллий анъаналар мавжуд. Айниқса, тўйлари жуда машҳур. Кураш, кўпқари-улоқ ўйинларисиз тўю байрамларни тасаввур қилиш қийин.

Онда қуриб яшаётганимизга ҳам эллик йилга яқинлашиб қолди. Бугун ортага боқиб, эслашга арзигулик ҳаёт кечирдик, деб айта оламиз. Ун уч фарзанд тарбиялаб воёга етказдик. Фарзандларимизнинг ҳар бири билан фахрланамиз. Олти ўғлимиздан учтаси — Дўстмуҳаммади, Илҳом, Низомиддин шарафли дея эъзозланадиган ҳарбийлик касбини танлашган.

Демак биз чол-кампир ҳам армияга алоқадормиз, ўғилларимиз, набираларимиз туфайли янада яқинроқ бўлиб қолдик. Ҳарбий либосли киши борки, ўғилларимизга сафдош, қадрдон деб биламиз. Фарзандла-

римизга елкадош, сафдош инсонлар эса бизга бегона бўлиши мумкинми?!

Ватан ҳимоячилари куни телевизор қаршисида ўтириб, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожатларини тингладик. Унда ҳарбийлар шаънига кўп яхши гаплар айтилди. Ҳатто, биз ота-оналарни ҳам тилга олишган: «Мана шу қутлуғ байрам кунинда мен Қуролли Кучларимиз сафида Ватанин ҳимоя қилишдек мураккаб, айни пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчин шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман». Бу сўзларни тинглаб туриб, ҳаяжонландик. Ўғилларимизга мард ва жасур инсонлар деб юксак баҳо беришди, улар орқали биздан миннатдор бўлишмоқда. Бу тазбир жониз бўлса, юртнинг, элнинг

сўзидир. Бундан фахрланмаслик, ифтихор қилмаслик мумкинми, ахир?!

Шуни ҳам мамнуният билан айтишни истардимки, бугун ўғилларим қаторида набираларим — Улуғбек ва Азизбек Кўчаровлар, Суюнмурод Кенгбоевлар ҳам ҳаётларини армия билан боғлашди. Набираларим, қолаверса чияллик ёшлар орасида ҳам уларнинг издан боришни орзу қилганлар ва шунга интилаётганлар кўп. Шундай кунларда қувончимизни кўпчилик билан баҳам кўргимиз келди. Умид билан ўғил-қизлар ўстираётган ҳар бир ота-онага ҳам фарзандлари орқасидан ҳаминша яхши гаплар келсин, худди биз каби болалари билан ғурурланиб яшаш насиб этсин.

Иzzат она ва Рўзимурод ота Кўчаровлар,
Қашқадарё вилояти.

ЧАҚИРУВ—2009

ЭЗГУ МАҚСАД ИЛА ЁРИШГАН ЙЎЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 январдаги «Ўзбекистон Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган ўғлонларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Зиммаларидаги муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётган йигитларга боқаркансиз, улардаги ғайрат-шижоатдан сизнинг ҳам кўнглингизда гурур ва ифтихор туйғулари уйғонади.

ХИЗМАТГА ШАЙЛАНАР ЎҒЛОНЛАР!

Мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пункти одамлар билан гавжум. Чақирилувчилар, уларнинг қавми қариндошлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари... Ҳамманинг юзида хурсандчилик ифодаси. Шу пайт бошига аскарлар бош кийимини кийиб олган болакайга кўзим тушди. Ҳарбийча саломлашишга тақлидан қўлини бошининг чеккасига теккизаётган йигитчага ҳазиллашдим:

– Армияга кетаяпсанми?
– Йўқ, – бийрон жавоб қилади у. – Ҳали кичкинаман-ку!

– Унда кимнинг бош кийимини кийиб олдинг?
– Акамники. Бугун уни кузатамиз. Катта бўлай, мен ҳам албатта армияга бораман! Акамга ўхшаган аскар бўламан. Тўғрими, ака, – у шундай деганча ёнида ўтирган акасига юзланади. У ҳам кулиб, укасининг гапини тасдиқлайди. Бундан руҳланган болакай, менга сўз қотади:

– Ана, кўрдингизми?!

Ич-ичимдан болакайнинг орзулари ушалишини тилаб, улардан узоқлашаман. Қаранг, фарзандларимиз болаликдан аскарликка меҳр қўйишмоқда.

– Неварам Зафаржон Раҳимжоновни муддатли ҳарбий хизматга кузатайман, – дейди Арофат ая. – Унинг ана шундай шарафли касбга муносиб топилганидан хурсандман. Ҳарбий либоси ўзига бир ам ярашган суюкли набирамга қараб тўймайман. Истагим, бугун армияга отланаётган барча ўғлонлар зиммаларидаги бурчини аъло даражада ўтаб, уйларида ёруғ юз билан қайтишсин.

– Эр йигит ҳарбий хизматда синалади, – дейди бўлғуси посбоннинг амакиси Адҳамжон Раҳимжонов. – Биз оилада беш ўғилмиз. Барчамиз армияда хизмат қилдик. Ўғилларимизга ҳам армия – чиниқиб, товланиш мактаби эканини, муддатли ҳарбий хизмат давомида оладиган сабоқлари уларга бир умр асқотишини таъкидлаб келамиз. Бугун жияним Зафаржонни армияга кузатиш учун барча қариндошлар тўпландик. Ўйлайманки, у ўзига билдирилган юксак ишонччи оқлайди.

Зафарнинг орзулари катта. Шулардан бири – армиядан қайтгач, Тошкент автомобиль – йўллар институтига ўқишга кириш.

– Бироз ҳаяжондан, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ватан ҳимоячиси бўлиш шараф, шунинг билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Менга ана шундай вазифа юклаганидан фахрланаман.

ОРЗУЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚАРОР

Жамила опа Эргашева Мирзо Улуғбек туманининг «Баҳор» маҳалласида истиқомат қилади. Опа кенжа фарзанди Обиднинг шарафли касб эгаси бўлганидан мамнун.

– Икки ўғлимдан бирининг ҳарбий бўлишини ич-ичимдан орзу қилардим, – дейди у. – Болаликдан уларга бу соҳага онд ҳикоялар, ажодларимизнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги ибратли воқеаларни сўзлаб берардим. Аммо шу касбни танла, демаганман. Ўзлари қарор қабул қилишини истадим. Катта ўғлим шифокор бўлишни хоҳлади. Юрагимда Обиджоним бу ниятимни амалга оширар, деган бир ўй бор эди. У мактабни битиргач, муддатли ҳарбий хизматга бормоқчилигини, Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўташга қарор қилганини айтганда, нақадар қувонганини тасаввур қилолмайсиз.

Ҳа, онанинг шодлигини тушунса бўлади. Устига-устак турмуш ўртоғи бевақт қазо қилиб, ундан ёдгор икки ўғилни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, аёл учун ўғиллари сабаб орзуларига етишиш – чинакам бахт. Чунки фарзандлари камолини, уларнинг эл қорига камарбаста инсонлар бўлганини кўриш ҳаётининг мазмунини саналади.

– Болалигимизда онамдан инсонни жасорат ва матонатга ундайдиган, кишида гурур ҳиссини жўш урдирадиган ривоятларни кўп эшитардик, – дейди О. Эргашев. – Улардаги қаҳрамонларга қалбимизда меҳр уйғонар, шундай ботир бўлишни ҳавас қилардик. Мактабда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчисидан ҳарбий соҳа бўйича кўп нарсаларни ўргандим. Йиллар ўтиб ҳавас ўрнини кучли интилиш, қатъий мақсад эгаллади. Мактабни битиргач, муддатли ҳарбий хизматга боришга аҳд қилдим.

ТЕНГДОШДИРМАН СЕНГА, ИСТИҚЛОЛ!

Саф тортиб турган йигитларни кузатаман. Нигоҳларида эртанги кунга умид, ишонч акс этган йигитлар орасида истиқлол тенгдошлари – ўн саккиз ёшлилар ҳам бор. Улар улуг ишга – Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлашди.

– Бугун жуда бахтиёрман, – дейди чақирилувчи истиқлол тенгдоши – Дилмурод Назировнинг отаси Рамазон ака. – Ўғлимни муддатли ҳарбий хизматга кузатайман. Армияда у ҳар томонлама товланиб, чиниқиб, ҳарб илмининг чинакам билимдонини бўлиб қайтишига ишончим комил. Бугун юртимизда

посбонларга улкан эътибор қаратилаётганидан, ғам-хўрлик кўрсатилаётганидан хабарим бор. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли, деб биламан.

– Олти қиз, бир ўғлим бор, – дейди Мукаррам опа Муҳаммадсупова. – Дилмуродим кенжатоғи, яққаю ягона ўғлим. Бугун ҳарбий либосда янада салобатлироқ кўринаётган ўғлимнинг улғайиб, эл қорига камарбаста бўлганидан бошим кўкка етди.

– Бугун армияга ҳар томонлама билимли, илғор, сара ўғлонлар йўл олишмоқда, – дейди офицер Рамз Имомов. – Улар билан суҳбатлашиб, хурсанд бўласан. Барчасининг дунёқараши кенг, фикрлари теран. Кўпчилиги муайян мутахассислик ва малакага эга. Миллий армиямиз сафларига ана шундай баркамол ёшлар қўшилиши қалбимизда ифтихор ҳиссини уйғотиши табиий.

– Муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилганимдан беҳад хурсандман, – дейди чақирилувчи Азамат Бойматжонов. – Давлатимиз биз – ёшларга катта эътибор қаратиб келмоқда. Мен истиқлол фарзандиман. Бу куч, ғайрат бағишлаши билан бир қаторда, зиммамга улкан масъулият юклайди. Чунки мустақиллик авлоди сифатида ўзимни кўрсатишим билдирилган ишончга муносиб эканимни исботлашим керак. Ўйлайманки, барча тенгдошларимнинг фикри шундай.

БАХТЛИ АВЛОД

– Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида иштирок этар эканман, беихтиёр ўзим шу даргоҳдан армияга отланган дамларни эслайман, – дейди Ҳамза туман «Нуроний» жамғармаси раиси Озод Умаралиев. – Бугун шароит тамоман бўлакча. Фарзандларимизни ҳар томонлама бахтли авлод, деб атасак, янглишмаган бўламиз.

– Армияга боришдан олдин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Олмалик автомобиль мактабида таҳсил олдим, – дейди чақирилувчи Бахтиёр Мусурмонқулов. – Бу даргоҳда техника сирларини пухта эгалладик. Бундан ташқари, армия тўғрисидаги бошланғич кўникмаларга эга бўлдик. Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олаётган. Ўйлайманки, армияда ҳар томонлама товланиб, чиниқиб, ҳарб илмининг моҳир билимдонини бўлиб етишамиз. Келгусида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, етук офицер бўлишни кўнглимга тукканман. Орзуимнинг ушалишида ҳаёт мактабида оладиган билимларим албатта қўл келади.

Ҳа, истиқлол фарзандларининг фикрлари ўзига хос, аҳдлари қатъий, танлаган йўллари аниқ. Ўз кучига ишонган, юртга меҳру муҳаббати улуг бу авлод билдирилган юксак ишончга лойиқ эканликларини исботлаётганлар.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



АБИТУРИЕНТ—2009


МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ

ҚАНАҚА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?
Мотоўқчи ва чегара қўшинлари тактик қўмондонлиги;

қўшин разведкаси тактик қўмондонлиги;
мотоўқчи ва чегара қўшинларида тарбиявий тактик қўмондонлиги бўйича мутахассисларни.

БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:
100023, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2.



ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚЎМОНДОНЛИК- МУХАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ

ҚАНАҚА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Танк қўшинлари тактик қўмондонлиги;
зенит-ракета қўшинлари тактик қўмондонлиги;
ҳаво-десаант қўшинлари тактик қўмондонлиги;
зенит-ракета қўшинлари тактик муҳандислиги;
зирҳли танк қуроллари ва техникаси тактик муҳандислиги бўйича мутахассисларни.

БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:
111715, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 15.



ҲАРБИЙ МАЪЛУМОТ ВА ФУҚАРОЛИК МУТАХАССИСЛИГИ

Билим юрти битирувчилари қуйидагиларга эга бўлиши мумкин:

- олий ҳарбий маълумот;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом;
- Давлат таълим стандартига мос фуқаролик мутахассислиги.

КИМЛАР КУРСАНТ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН?

Билим юртларига ўқишга Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинади: ун етти ёшдан йигирма бир ёшгача бўлган фуқаролар, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили ун етти ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек, ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган, офицерлар таркиби ҳарбий унвонига эга бўлмаган, ун саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР?

Билим юртига ўқишга кириш истагини билдирган шахслар яшаш жойидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига (муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизматчилар қисм командирларининг номига (рапорт) ариза берадилар. Аризада (рапортда) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ойи, турар жойининг манзилгоҳи, ҳарбий билим юртининг номланиши кўрсатилади.

Аризага таржимаи ҳоли, иш жойи ёки ўқиш жойидан тавсиянома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, 10та фотосурат (бош кийимсиз, 3,5x4,5 см ўлчовда – 4 дона, 3x4 см ўлчовда – 6 дона) илова қилинади.

Паспорт, ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси номзод томонидан ҳарбий билим юртининг қабул комиссиясига кўрсатилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЛОЙИҚЛИГИ

Тиббий кўрик, шахсий-руҳий ҳолати ва жисмоний тайёргарлик бўйича танлов Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўлими ва бошқармалари, бирлашма, қўшима ҳамда ҳарбий қисмлар томонидан ўтказилади. Жисмоний қобилиятларнинг баҳоси қуйидаги параметрлар бўйича аниқланади:

- куч (турникда тортилш, 9-13 марта);
- чидамлилиқ (кросс – 3000 м, 12.00-13.30 мин);
- чаққонлик (югуриш – 100 м, 13.8-14.8 сек).

ДАВЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАНИШ

Билим юртига ўқишга кирувчилар Мудофаа вазирлигининг билим юртлари қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган тиббий кўрик ва жисмоний тайёргарлик танловларидан муваффақиятли ўтганларидан сўнг 10 июль куни қуйидаги фанлар бўйича Давлат тест синовини топширадилар:

- математика;
- физика;
- она тили ва адабиёт.

ЎҚИШГА КИРИШДАГИ ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213 сонли Қарорига асосан олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи, ҳарбий хизмат даврида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, ўрнатилган шаклдаги тавсияномага эга бўлган фуқароларга тест синовларида тўнланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдоридан қўшимча имтиёз берилади.

САМАРҚАНД ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЬ ҚЎМОНДОНЛИК- МУХАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ

ҚАНАҚА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Автомобиль бўлиналари тактик қўмондон-муҳандислиги;

артиллерия тактик қўмондонлиги;
муҳандислик қўшинлари тактик қўмондонлиги;
кимёвий қўшинлар тактик қўмондонлиги;
ракета-артиллерия қуроллари ва ўқ-дорилари тактик муҳандислиги;
фронт орти таъминоти тактик қўмондонлиги бўйича мутахассисларни.

БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:
700056, Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 56.



ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ

ҚАНАҚА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Вертолёт авиацияси тактик қўмондонлиги;
учиш аппаратлари ва двигателларини эксплуатация қилиш;

учиш аппаратларининг авиация ва радиоэлектрон жиҳозларини эксплуатация қилиш;
учиш аппаратларининг авиация қуроллари эксплуатация қилиш бўйича мутахассисларни.

БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:
708000, Жиззах шаҳри, Ҳамрокул Носиров кўчаси, 3.



ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАХСУС ФАКУЛЬТЕТИ

ҚАНАҚА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Алоқачилар бўлиналарининг командирлари ва мутахассислари тайёрланади.

МАХСУС ФАКУЛЬТЕТ МАНЗИЛГОҲИ:
100099, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 118.



ОИЛА ГУЛШАНИ

8
МАРТ

ЖЎШҚИН ҲАЁТ СУРУРИ КЎНГИЛЛАРДА ЖО

Оила... Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимишга дастурхон бошида элу юртга, кўп қатори фарзандларига омонлик тилаб, дуога қўл очаётган нуруний онахон, отахонларимиз келади. Шу билан бирга кўёвлик, келилик сарполарида янги ҳаёт оstonасига қадам кўяётган, таъзим билан «ёр-ёр» оҳанглари оғушида хонадонга кириб келаётган чиройли жуфтликларни тасаввур қиламиз. Янги оилга асос солаётган бу икки ёш кимнинг ҳам ҳавасини келтирмайди дейсиз. Бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос қалди-бастга, уялиб, ийманиб турган келинчақка қараб, ҳар қандай инсон фарзандларининг келажакдан умидвор бўлади, кўнгилларида янги-янги орзу-ниятлар барқ уради. «Ҳаммамизни мана шундай тўйларга етказсин. Хонадонимизга саришгали келинлар тушсин», деб дуо қилишади. Холмуроджон ва Дилфузахонларнинг никоҳ тўйлари бўлаётганда ҳам барчанинг кўнглидан мана шундай эзу ниятлар жой олган эди.



Улар севишиб, бир-бирини синашиб турмуш қуришди. Икки оила бошлиқлари ҳам бу никоҳга хайрихоҳлик билдиришди. Дилфузахоннинг ота-онаси қизларининг ҳарбий соҳа вакилига умр йўлдош бўлаётганидан қувонишди ҳам. Одатда қиз ўстирган ота-она фарзандини ўқимишли йиғитга, тагли-тугли хонадонга узатишни орзу қилади. Холмуроджон айни кўнгилдагидек йиғит эди. Шу боисдан ҳам шарафли касб соҳиб бўлган бу йиғитга қишлоқда барчанинг ҳаваси келарди. Оиласи ҳам қишлоқнинг энг обрўли хонадонларидан саналарди. Қайси ота-она фарзандининг бахтини кўришни истамайди. Холмуроджон Тошкент олий умумқўшни қўмондонлик билим юртида тахсил олган, Дилфузахон эса қўлигул чевар... Шундай қилиб, уларнинг ҳаёт йўллари бир-бири билан туташди. Мана, шу воқеага ҳам икки йил бўлди. Бутун улар ҳарбий шаҳарчанинг энг ёш ва энг намунали оилалари қаторида тинч-тотув ҳаёт кечиринмоқда. Севгини

оиланинг мустақкам пойдевори дейишади. Чунки мана шу тўйгуларнинг бирлиги сабаб қурилган оилаларда бу ришта йиллар ўтиб, меҳр туйғуси билан янада мустақкамланади. Улар бир-бирига елкадош бўлиб, турмушда учраган ҳар қандай қийинчиликларни енгитишга қодир бўлишади. Айниқса, хизмат бурчи сабаб турли ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳарбий оила вакиллари ўртасида бу муносабатлар янада мустақкам бўлади. Бу ҳаётини ҳақиқатининг исботини қаҳрамонларимиз турмуши мисолида ҳам кўриш мумкин. Тўғри, икки йиллик муддат ёш оилалар олдига ҳали олдинда синовлари бисёр рўзгор ҳисобланади. Бироқ бошқаларга ўрнатилган фазилатлар соҳиб ва соҳибаси бўлган бу жуфтлик шу давр мобайнида оиланинг буюк неъмат эканлигини, эр-хотиннинг ҳамжўхатлигини эса уни янаям мустақкамлашини англади.

— Турмушнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Дилфуза-

хон. — Бироқ эр ва хотин бир-бирини тушунса, бамастаҳлат иш қилинса, бундай қийинчиликларга барҳам берилар экан. Тўғри, аввалига ота-онам ва яқинларимдан узокда яшашга бироз кўниқолмадим. Ана шунда турмуш ўртоғим ва шаҳарчада истиқомат қилаётган аёллар катта ёрдам беришди. Ҳозир улар билан худди опа-сингиллардек яқин бўлиб кетганимиз. Бирор юмушга қўл урмакчи бўлсам, ёши катта опаларимдан йўл-йўриқ оламан.

Мен аввало тақдиримга шундай инсон битганидан мамнунман. Шу вақт давомида биз бир-биримизни яхшироқ билиб, тушуниб яшаб келаямиз. Бунга аввало умр йўлдошим сабабчи. Чунки у инсон ўта мулоҳазали, кенг феълга эга, ҳар қандай ҳолатда босиқлик билан фикрини тушунтира билади. Шу билан бирга ўз соҳасига фидойи. Аёл бахти ҳақида сўз кетадиган бўлса, мен учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Қандай ҳолат бўлмасин ўзаро ишонч ва ҳурматни асраш, сабр ва садоқатга эътибор қилиш, оилани эл ҳурматига етказди, албатта. Биз умр йўлдошим иккимиз ҳам ҳаётнинг бу мезонига амал қилишга доимо интилиб яшаймиз. Шу боисдан ҳам ҳаётимдан жуда мамнунман.

— Ватан тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, оилани асраб-авайлаш, моддий томондан таъминлаш йиғит кишининг бурчидир, — дейди ҳарбий оила бошлиғи. — Шунинг учун биз ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимизни унутмаслигимиз керак. Қолаверса, ҳар бир йиғитнинг оиласида тинч бўлса, хизматда, бажарилган ишда унум бўлади. Бунинг учун аввало эр ва хотин ўртасида меҳру муҳаббат ва садоқат бўлиши керак. Мен ўзимни бу борада бахтли санашга ҳақиман.

Оилани йиллар давомида шаклланади, дейишади. Ҳа, бу рост гап. Бу даргоҳда биринкетин туғилган фарзандлар эса унга кўрғон бўлиб, ота-она ўртасидаги ришталарни янада мустақкамлайди. Тилагимиз, Холмуроджон ва Дилфузахонларнинг хонадонини ҳам гўдак қулғусига тўлсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга фаол аёллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-қизлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тобора юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий-иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, аёллар саломатлигини мустақкамлаш, хотин-қизлар ва оиланинг спортини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш, касаланишни ривожлантириш ва хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиб бораётган амалий чора-тадбирлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда хотин-қизларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан малакали мутахассислар, олимлар иштирокида мунгазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимиздаги барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш юритмоқда. Маҳаллалардаги ақиллик муҳитини мустақкамлаш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёрлашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ХУШ КЕЛДИНГ, ЮРТИМГА БАҲОР!

**Чиқиб кетай дейсан-ей
бағрига адирларнинг,
Кучоқ очиб, ҳайқириб хув
тўшида қирларнинг,
Ҳикмат қалитин топсанг
очилмаган сирларнинг,
Демак, баҳор келибди...**

Ҳа, баҳор кириб келди. Бутун борлиқни яшил либосга буркаб, қир-адирларни турфа чечаклар билан бегаб, кўклардан келди юртимизга. Қувончдан энтиккан, осудалиқдан яйраган диллар гусурига кўксингиз торлик қилгудек. Рутубатли шамол ўринни майин шаб-бода, табиатдаги сокинлик ўрини, ажиб тароват, жозоба эгаллади. Далалар чирой очди. Боғлар ичи офтоб шуъласида мунаввар бўлди. Дарахтларнинг шоҳларига гунчалар оқ бодрокдек сочилиб, нигоҳларга ўт солди. Ариқ бўйларига ялпизларнинг хуш ифори кезади...

Эл учун елкасига ризқ-рўз ортмоқлаб келган бағрикенг фасл бу. Яшариш-янгилашни сари муборак қадамларини босган соғинган-соғинтирган фасл бу. У, юксак чуққилардан бошланган жилғалар қўшинини водийларга таратиш учун шошмоқда. Ушбу дами сабру тоқат билан кутган баҳор элчилари тупроқни ёриб чиқиб, заррин қуёш сари талпинмоқда. Бутун борлиқда уйғониш — ҳаёт қўшиғи янграй бошлади. Деҳқон дала-даштга ошиқади. Боғбон қайчиси билан, миришкор кетмони билан бунёдкорлик ташвишига киришиб кетади. Боғларда яна қушларнинг чуғур-чуғури янграй бошлади. Улар ҳам гўё турфа гулларни олам узра сочаётган фаслнинг дийдорига етганидан хурсанддек жўшиб куйламоқда. Қир-адир-

лар эса болажонларнинг шодон қийқирғи билан тўлади. Варрақ учираётган ким-у, чиллак ўйнаётганлар ким. Беғубор болакайларнинг шодлиги юрагингизга ажиб бир энтикиш солади. Яшаш қандай яхши!

Мусаввир фаслнинг табиатга бераётган жилосини кузатиб туриб, бенхтиёр ёшлик дамларингизни эслайсиз. Тўп-тўп болаларнинг уйма-уй юриб «бойчечак» айтганлари қулоғингиз остида садо беради. Хонадон соҳиблари эса кулиб-кулиб чин юракдан уларга ширинликлар улашади. Кексалар дуога қўл очишади. Болалар то қош қорайгунча қўшиқ айтиб, қўли-қўниги ширинликларга тўлиб уй-уйларига тарқалишади. Аждодларимиздан қолган бу қадимий удум, мана узок йиллардан буён давом этиб келмоқда. У қанчалик қадимий бўлса-да, асрлар ўтган сайин янгича шуқуҳ ва жозоба билан янграйверади. Чунки унда баҳор нафаси, баҳор соғинчи бор. Шу боисдан ҳам бойчечакни кўклар нишонаси сифатида эъзозлайдилар. Уни қўлига олган инсон бор-ки, кўзларига суриб, лаб босади...

Баҳор шаънига шеър айтмаган шоир, қўшиқ куйламаган хонанда, куй басталамаган созанда борми-кан ер юзида? Чунки бу фасл ўз таровати билан кексаю ёшнинг қалбига кириб боради. Табиатнинг янгилашни жараёни ҳар баҳорда такрорланади. Лекин уни ҳар йили мўъжизани кутгандек интиқлик билан кутамиз. Деразадан ташқарига боқиб, бу сеҳрли фаслнинг илиқ меҳрини ҳис қиламиз ва баҳор энг пасткам ва кўрimsиз жойларини ҳам унутмай, ўз саховатини кўрсатганидан кўзимиз қувнайди. Ана шунда шоду хуррамлик қулгаган қалбимизда бир даъват янграйди:



**Баҳорим хуш келдинг
ўлкамга шу он.
Табиат уйғонди
сенинг сеҳрингдан.
Бойчечак нур эмар
кўкда шамс ҳайрон.
Ер қизир онадек
сенинг меҳрингдан!**

Гули ҲОЖИЕВА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кўрик-танлов якунланди

ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ

Бугун Президентимиз томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, уларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб бериш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Мудофаа вазирлиги томонидан қурилиш-лойиҳалаш ташкилотлари ўртасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжи учун энг яхши ётоқхоналар, турар жой бинолари ва коттежлар лойиҳа ва макетлари танлови эълон қилингандир.

Таъкидлаш жоизки, танловга олтмишга яқин лойиҳа ва макетлар тақдим этилганди. Ниҳоят, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Ғолибларни тантанали тақдирлашга бағишланган тадбир Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди.

Унга кўра ётоқхоналар бўйича биринчи ўрин «Тошуйжойлоийҳа» очик акциядорлик жамиятига насиб этди.

Иккинчи ўрин эса «Қишлоққурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамияти («Ўзмеъморқурилишлоийҳа» МЧЖ)га берилди.

Учинчи ўрин «Тошлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятига муносиб кўрилди.

Кўпхонадонли турар жой бинолари бўйича энг яхши лойиҳада биринчи ўрин «Қишлоққурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамияти («Ўзмеъморқурилишлоийҳа» МЧЖ)га, иккинчи ўрин «Тошуйжойлоийҳа» очик акциядорлик жамиятига, учинчи ўрин «Тошлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятига насиб этди.

Коттежлар тарҳи бўйича биринчи ўрин «Меъморқурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд шаҳри), иккинчи ўрин «Наманганархитектқурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамиятига, учинчи ўрин эса «Ўзмеъморқурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамиятига берилди.

Кўпхонадонли турар жой биноси ва коттеджлар бўйича энг яхши макетда биринчи ўрин «Ҳарбий лойиҳа» институтига насиб этди.

Шунингдек, лойиҳа таклифлари маъқул келган «Тошуйжойлоийҳа» очик акциядорлик жамиятининг ётоқхона, кўпхонадонли турар жой биноси бўйича «Ўзтиблойиҳа» масъулияти чекланган жамияти ва коттежлар бўйича «Наманганархитектқурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамиятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов ғолиблар учун таъсис этилган мукофот ва совринларни тантанали равишда топширди. Унга кўра биринчи ўрин эгалари махсус диплом ҳамда Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланди.

Иккинчи ўрин соҳиблари эса махсус диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Учинчи ўринни олганларга махсус диплом берилди.

Сўзга чиққан Мудофаа вазирлиги маъсул офицерлари танлов ғолиб ва совриндорларини қўлга киритган натижалари билан самимий қутлар эълон қилди. Ўзаро ҳамкорлик давом этиши, келгусида муҳим ва истиқболли режаларни биргаликда амалга оширишдан умидвор эканликларини билдиришди.

Мазкур танловда иштирок этган ташкилотлар ичида Ҳарбий лойиҳа институтининг кўпхонадонли уйлар, коттеж ва ётоқхоналар макети бўйича биринчи ўринни эгаллагани мазкур муассасада ўз ишнинг ҳақиқий билимдонлари бўлган ҳарбийлар, Қуролли Кучлар хизматчилари фаолият кўрсатиб келаётганидан далолат. Улар томонидан амалга оширилган лойиҳа ва макетларнинг амалга татбиқ этилиб келинаётгани, ҳарбийлар учун замонавий ишшоотлар барпо этишида уларнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиз.

– Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, Ҳарбий лойиҳа институти ташкил этилгандан буён шу борада кўпгина ишлар амалга оширилди, – дейди бош меъмор подполковник Тоҳир Бекмуродов. – Институти томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида ётоқхоналар, ўқув бинолари, кўпхонадонли уй ва коттежлар қурилди. Айниқса, ислохотлар меъаси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларида шундай ишшоотлар қурилишида улкан ҳиссамиз бор. Шимоли-ғарбий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби бизнинг лойиҳамиз асосида бунёд этилган. Институти худимлари мудом изланишда. Унда ўз ишнинг устаси бўлган мутахассислар лейтенант Абдурашид Ғафуров, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Элёр Мирназаров, Қуролли Кучлар хизматчилари Сафура Юнусова, Гўзал Раҳмонова, Донсков Зинуҳиллар фаолият кўрсатадилар.

Хизмат сафарларимдан бирида Шарқий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганимда, у ерда бунёд этилаётган янги кўпхонадонли уйни кўрган эдим. Ушанда мактаб кўмондонлиги сал илгарироқ кўп ўринли ётоқхона ва бир неча хонадонга мосланган уй қуриб битказилганини, уларда барча қулайликлар мавжудлигини ва янги қуриладиган икки қаватли турар жой биноси ҳам шинам, кенг ва қулай, замонавий андозаларга мос тарзда барпо этилаётгани билан аввалгисидан қолишмаслигини қувонч билан маълум қилишганди. «Ушбу турар жой масканлари Ҳарбий лойиҳа институти тарҳи асосида пишган ғиштлардан бунёд этилган. Хоналарнинг пастки қисмига тахта пол ётқизилади. Эшик-деразалар ўрнатилгач, деворлари ҳам тўла пардоздан чиқарилади ва яшаш учун тайёр ҳолатга келтирилиб, уй соҳибларига калитлар топширилади», – деганди ўшанда қурувчилар.

– Мазкур танловда иштирок этиб, коттежлар тарҳи бўйича биринчи ўринга муносиб топилганимиз бизга катта ифтихор бағишлайди, – дейди Самарқанд шаҳар «Меъморқурилишлоийҳа» масъулияти чекланган жамияти бош архитектори Фарҳод Маҳмудов. – Қолаверса, юртимиз осойишталигини таъминлаб турган посбонларимиз учун қулайликлар яратилганга биз ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз. Бу жамиятимиз томонидан ўғлонларимизнинг шарафли ва масъулиятли хизматларига миннатдорчилигимиз ифодасидир, десам ҳам нотўғри бўлмайди. Менинг ҳам жияним Суҳроб Абдуллаев Қуролли Кучлар сафида офицер сифатида хизмат қилади. Биз у билан доимо фахрланиб, гурурланиб юрамиз.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилот шу кунгача қатор кўрик танловларда иштирок этиб, юқори ўринларга муносиб топилган. Айниқса, жамиятининг халқаро пуфузли танловларда ҳам муносиб иштирок этгани унда ўз соҳасининг билимдонлари фаолият кўрсатаётганидан далолатдир. Эндилликда улар томонидан лойиҳалаштирилган гўзал ишшоотларнинг ҳадемай қурилиши бошлангани ва унда Ватан посбонларининг оилалари барча қулайликлардан фойдаланиб, истиқомат қилиши кўнглиларга ажиб сурур бағишлайди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Сўраган экансиз

КРЕДИТ ОЛИШ ШАРТЛАРИ

Газетанинг ўтган сонидан ипотека кредити билан боғлиқ савол-жавобни ўқиб қолдим.

Адашмасам унда дастлабки бадални олиш тартиби ҳақида сўз борганди. Айтингчи, ипотека кредити олишнинг қандай шартлари бор? Иккинчи саволим шундай: дейлик ипотека кредити асосида квартира сотиб олсам ёки якка тартибда уй-жой курсам мазкур тураржойим Мудофаа вазирлигида рўйхатга олинадими?

Капитан Ақром РЎЗИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида Низомга ҳамда Мудофаа вазирининг бу борадаги тегишли буйруғига мувофиқ камида 10 календарь йил хизмат қилган ва янги контракт тузган уй-жой билан таъминланмаган ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ипотека кредити олишлари мумкин.

«Ҳарбий хизматчилар томонидан узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ипотека кредити олишда уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинган бадал Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда «тегишли вазирликлар» деб аталади) томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига тўланади» деб ёзилган тилга олинган Низомда.

Шунингдек, ипотека кредити ҳарбий хизматчиларга хизмат жойи ёки ҳарбий хизмат белгиланган жой (чақириқ) бўйича берилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчиларга тижорат банклари томонидан ипотека кредити бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон Қарорида назарда тутилган Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Иккинчи саволга тўхталадиган бўлсак, Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида бунга аниқ жавоб берилган. Яъни ипотека кредити асосида квартира сотиб олсангиз ёки якка тартибда уй-жой курсангиз мазкур тураржойингиз Мудофаа вазирлигининг хизмат тураржойлари рўйхатига киритилмайди.



ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

Қўшимча жиҳозланади

«Мастифф» PPV (Protected Patrol Vehicle) русумли зирҳли автомобиль «Форс протекшн» компанияси томонидан лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилаётган «Кугар» HE (ғилдираклар формуласи 6x6) зирҳли автомобилнинг британияча вариантыдир. Ушбу машина керакли нарсалар билан таъминланган 10 нафар ҳарбий хизматчини (2 экипаж аъзоси ва 8 десантчи) жанговар вазифаларни бажариш вақтида олиб юриш учун мўлжалланган. Етказиб берилган машиналар Буюк Британияда «Боумэн» русумли тактик алоқа тизими аппаратлари ҳамда радиоэлектрон қарама-қаршилик мажмуи (ҳаракатланиш йўлига қўйилган радио орқали бошқарилувчи миналар ва қўлбола портлаш қурилмаларига қарши курашиш

учун) билан қўшимча жиҳозланади.


«Мастифф»нинг асосий техник-тактик кўрсаткичлари қуйидагича: жанговар оғирлиги 27 т, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 100 км, шоссе бўйлаб юриш захираси 960 км, узунлиги 7,7 м, эни 2,6 м. Қуроли-машина устки қисмидаги айланувчи турелга ўрнатиладиган 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт ёхуд 40 мм.ли автоматик гранатомёт. LAST русумли илма зирҳ мажмуи экипажни калибри 9 мм.гача бўлган отиш қуроли ўқларидан ҳамда артиллерия снарядлари парчаларидан, V-кўринишдаги машинанинг таг қисми эса-портловчи моддаси оғирлиги 7 кг.гача бўлган миналар ва қўлбола портловчи қурилмалардан ҳимоя қилади.



«ЛЕТАЮЩЕЕ КРЫЛО»

Американский стратегический бомбардировщик B-2a «Спирит» разработан корпорацией «Нортроп-Грумман». Он построен по аэродинамической схеме «летающее крыло» со стреловидностью 33° по передней кромке и задней кромкой в форме «двойная W». Воздухозаборники и сопла двигателей расположены в верхней части фюзеляжа, что способствует уменьшению эффективной площади рассеивания со стороны нижней полусферы. Для снижения уровня ИК-излучения двигателей используются сопла прямоугольной формы, а также охлаждение выхлопных газов. Силовая установка включает четыре ТРДД F118-GE-100 фирмы «Дженерал электрик» с тягой на максимальном режиме по 86 кН и две вспомогательные силовые установки, предназ-

наченные для проведения наземных проверок и запуска двигателей. Основные ТТХ самолета: экипаж два-три человека, максимальная взлетная масса 181,4 т (пустого — 56,7 т), максимальная скорость полета 960 км/час, практический потолок 15240 м, перегоночная дальность (с одной дозаправкой в воздухе) 18300 км, радиус действия 8150–11670 км. Длина самолета 21 м, высота 5,2 м, размах крыла 52,4 м, площадь крыла 477,56 м². Вооружение: до 16 ядерных бомб B-61 или B-83, 16 КР AGM-129, управляемые и неуправляемые авиабомбы различных калибров, авиационные кассеты, морские мины. Первый полет опытного образца самолета состоялся осенью 1989 года. На вооружении ВВС США находятся 20 самолетов B-2A.



ИЖАРА АСОСИДА


«Вестпак экспресс» (HSV-4676) русумли сув транспорти Австралиянинг «Аустал» компанияси томонидан қурилган ва АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг денгиз орқали юкларни ташиш қўмондонлиги томонидан Окинава (Япония) оролида жойлашган АҚШ денгиз пйёдалари 3-экспедицион дивизион қисми ва бўлиналарининг жанговар тайёргарлигини таъминлаш учун ижарага олинган.

Корпуси алюминийдан тайёрланган катамаран типдаги мазкур кеманинг узунлиги 101 м, эни 26,65 м, сувга ботиб туриши даражаси 4,2 м (тўлиқ юкланганда), сув сифими эса 2111 т.

Ҳар бирининг қуввати 7200 кВт бўлган тўртта «Ка-

терпиллер-3618» дизелидан ташкил топган дизель-энергетика қурилмаси тўртта сув иргитувчи ҳаракатлантиргич (двигатель) ишини таъминлайди.

Кеманинг энг юқори юриш тезлиги 40 узел (иктисодий — 20 узел). Сузиш узюқлиги 33 узел тезликда 1240 миль ёки 20 узел тезликда (юк билан) 2182 миль ёхуд 20 узел тезликда (юксиз) 2927 миль. Кема экипажи 14 кишидан иборат. Майдони 2000 кв.м. атрофида бўлган юк палубасида 970 нафар денгиз пйёдалари ва 420 тонна турли жиҳоз ва асбоб-ускуналар ёки 153 та зирҳли автомобиль ёхуд 12 та LAVP ва 20 та LAV русумли зирҳли транспортёр (БТР) лар жойлашиши мумкин. Кеманинг умумий юк кўтариш ҳажми 550 тоннани ташкил этади.



БЕЗ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ НАСТРОЕК

Швейцарский прибор ночного видения «Найт Спот 50» создан специалистами компании «Вектроникс», специализирующейся на разработке и производстве оптических приборов различного назначения. Он предназначен для использования в качестве функциональной приставки к дневным оптическим прицелам и совместим со многими модификациями снайперских винтовок и некоторыми другими видами стрелкового оружия. Для боевого применения прибор устанавливается окуляром на объектив штатного оптического прицела и закрепляется на планке типа «Пикатинни» сверху ствола, при этом дополнительных настроек прицела производить не тре-

буется. В его комплект кроме футляра и сменных элементов питания входит специальный фильтр дневного света, что позволяет работать в условиях различной освещенности, не снимая прибор даже в светлое время суток. Питание осуществляется от одной литиевой батареи GR 123A, а продолжительность работы в диапазонах температур от -20 до +20° составляет 45 часов. Дальность обнаружения и распознавания объектов при свете звезд 720 м, при свете луны в ее четвертой части и выше 1200 м. Масса прибора с батареей питания 1,25 кг, длина 272 мм, ширина и высота (по объективу) 100 мм, увеличение однократное.



ҲАМКОРЛИҚДА ЯРАТИЛГАН

Корея республикаси ҳарбий ҳаво кучларига қарашли Т-50 «Голден игл» русумли ўқув-машқ самолёти КАИ (Korea Aerospace Industries) миллий компанияси мутахассислари томонидан Американинг «Локхид-Мартин» корпорацияси техник кўмагида ишлаб чиқилган. Ана шу самолёт асосида А-50 деб номланган енгил ҳужумчи самолёт (штурмовик) яратиш мўлжалланмоқда.

Т-50 «Голден игл»нинг асосий техник-тактик тавсифлари: экипаж икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 13 471 кг (бўш ҳолатда — 6441 кг), максимал учиш тезлиги соатига 1509 км, амалий кўтарилиш нуқтаси 14935 м, учиб ўтиш узюқлиги 2592 км. Самолёт-

нинг кучланиш қурилмаси форсаж режимда тортиш кучи 78,7 кН бўлган битта F404-GE-102 русумли турбо-реактив дизель двигателидан иборат.

Ўқув-машқ самолётининг узунлиги 13,14 м, баландлиги 4,94 м, қанот кўлами 9,45 м. Ушбу самолётнинг прототиби дастлабки учиниши 2002 йилнинг 20 августда амалга оширган. Корея ҳарбий ҳаво кучлари Т-50 ва А-50 вариантларидаги самолётларидан 94 тасига буюртма берган.

П. СОБИТОВ.

(«Зарубежное военное обозрение»
журнали асосида тайёрланган).



ХОНАДОН

8
МАРТ

ҚИЙМАЛИ ТОВУҚ



Масалликлар: 4 та товуқ оёғи, 400 г қўзиқорин, 50 г қийма, 60 г карам, 80 г пишлоқ, 1 дона пиёз, 1 дона тухум, 4 ош қ. эритилган сарёғ, 2 ош қ. ун, туз.

Товуқ гўштини терисидан, суягидан ажратиб, майдалаб тўғралади.

Қийма учун майда қилиб тўғралган карам, қўзиқорин, қийма, пиёз, туз ҳамда товуқ гўштини биргаликда қиздирилган ёғда қовурилади.

Совитилгач унга қирғичдан ўтказилган пишлоқни солиб, аралаштирилади.

Ажратиб олинган терига тайёр қиймани солиб, унга бутун товуқ оёғи шаклини бериб, у ер-бу ерига санчқи уриб, кўпиртирилган тухумга ботириб олинади. Сўнгра унга булғаб, 20-25 дақиқа давомида газ печида пиширилади.

Таом кўкатлар ва сабзавотлар билан безатилган тарзда дастурхонга тортилади.

САЛАТ РЫБНЫЙ С СОУСОМ



На 4 порции: филе рыбы вареной 200 г; сыр твердый 100 г; огурцы 1-2 шт.; помидоры 2 шт.; лук репчатый красный 1 головка; майонез 4 ст. ложки; масло оливковое 2 ст. ложки; уксус 3%-й 1 ч. ложка; соль; зелень укропа.

Приготовление:

Филе рыбы, огурцы и помидоры нарежьте мелкими кубиками. Лук очистите, мелко порубите.

Для сырного соуса 80 г тертого сыра тщательно перемешайте с маслом и уксусом, добавьте майонез, посолите.

Салат уложите слоями в глубокую салатницу, смазывая каждый слой сырным соусом, в следующем порядке: рыба, огурцы, лук, помидоры.

При подаче салат посыпьте оставшимся сыром, оформите зеленью.

«ФАНТАЗИЯ» ТОРТЫ



Керакли масалликлар: 12 порция учун 100 г шакар, 30 г ванилин, 60 г сарёғ, 2 чой қошиқ лимон цедраси, 2 дона тухум, 125 г ун, 150 мл йогурт, 0,5 ч. қ. хамиртуруш. Кремга 140 г ивтирилган майиз, 8-10 г желатин, 2 ст. сметана, 50 г сарёғ, 1 ч. қ. лимон суви.

Сарёғ, шакар, ванилин ва лимон цедраси аралаштирилиб, унга тухум ва йогурт қўшилади. Сўнгра ун ва хамиртуруш солиб хамир қорилиди. Ёғланган ҳамда нон талқони сенилган махсус идишга солиб 180° да 50 дақиқа давомида газ печида пиширилади. Озгина совуқ сувда желатин ивтирилади. 1 ст. сметанага шакарнинг ярмини қўшиб, эриб кетгунча аралаштирилади, устига лимон суви солиб парда илтиб олинади. Тайёр массага желатини сувдан сиқиб олиб аралаштирилади. Крем қуюқ ҳолатга келганда шакарнинг қолган қисми билан аралашган сметана ҳамда майизнинг бир қисми қўшилади.

Тайёр тортни кўндаланг ҳолатда 3 қисмга бўлинади. Ҳар бирининг орасига крем суртилиб, устма-уст тахланади ва крем, майиз билан безатилади.

Bolajonlar, sizlar uchun!



ТАВРИКНОМА!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

Ойижоним офтобим,
Сўзи доно китобим.
Меҳрингизнинг тенги йўқ,
Сиз менинг ифтихорим.

Гўзалсиз баҳор мисол,
Чеҳрангизга йўқ тимсол.
Бугун сизга бағишлаб,
Айтаман кутлов – ашъор.

Тилимда эзгу тилак,
Ниятларим кўп, юксак.
Кўклам билан йўғрилган,
Байрамингиз муборак.

Саккизинчи март ҳар дам,
Биз учун улуг байрам.
Бахтимизга ҳамма вақт,
Соғ-омон зоринг бардам.
Зулфия ЮНУСОВА.



- 8- Mart qanday bayram?
- Men kimlarni tabriklay?
- Nima sovg'a qilay?
- Nima deb tabriklay?

-
-
-
-

БЕКАТ

СКАНВОРД

| | | | | | | | | | |
|-------------------|----------------|-----------------------------|-----------------|--|---------------------|----------------|----------------|---------------------------|--|
| | | | | Узбек мумтоз шоираси | | | | | |
| | Халқа соч зулф | "Олтин зангламас" қаҳрамони | Покиза, ифратли | Таомга эҳтиёж | | Касбим... | Алоқадор | Малика... (раққоса) | |
| | | | | Интизор | | | | | |
| | Безак тасма | | | | | Бежирим | | Америка адибаси | |
| | Имони комил | | | | Урф | Тутун | | | |
| | Ҳарорат | | | | Хитой мусиқа асбоби | | Майн... (адиб) | Майн шамол | |
| | Адабий жанр | Раҳбар аёл | | | | | Оби ҳаёт | | |
| | | | | Қовурма таом | | | | | |
| | Таг, ост | ... хоним (санъаткор) | Кўпқари | ... из | Товуш | Чиқинди ипак | | Нон тури | |
| | | | | Баркамол | | Кирювиш кукуни | | | |
| | | | Чечак | Табиат аёлга шундай дейди: - Уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт. Пьер Бомарше | | | | Аёл подшоҳ | |
| | | | Ҳаё | | | | | ... Мирхамидова (хонанда) | |
| | Рамнинг ёри | | Тахлит | | | | | Катта идиш | |
| Урта аср олимаси | | Жуфт рақам | | | | | Жонивор сочи | | |
| | | | | Торли соз | Инерт газ | Содда | | | |
| Пардоз бўёги гули | | | | ...парда | Дам олиш ҳолати | Пардоз | | Саида... (шоира) | |
| | | Рақсдаги ҳаракат | | | | | | | |

ГАЗЕТАНИНГ 9-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Сержант. Хром. Ва. Бригада. Сазоворлик. Азон. Диана. Оптика. Беҳруз. Ор. Амаки. Иш. Бор. Чарм. Туман. Онт. Унар. Ура. Из. Каттақўрғон. Эгат. Сак. Ми. Гал. Арпабодийн. «Рома».

БҮЙИГА: Сабзавотчилик. Раиса. Амазонка. Марказ. Лар. Инулин. Тарту. Иммуниет. Ион. Штрих. Одер. Хайрихоҳ. Акбар. Маза. Улуғ. Ода. Осмон. Наим. Ангар. Ёр. Алп.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП




На этой неделе желательно не начинать ничего нового, а важные встречи переместить к выходным. Займитесь изучением специальных дисциплин, не стесняйтесь консультироваться со специалистами. Не расстраивайтесь, если планы воплощаются с точностью до наоборот.



Принятое в начале недели решение повлияет на многие происходящие события. Не говорите лишнего и не отвлекайтесь на мелочи — только так вы достигнете желаемого. Постарайтесь завершить когда-то начатые дела, разберитесь с обещаниями и обязательствами.




Доверьтесь своей интуиции и бесстрашно идите вперед. Дела на работе не вызывают особого беспокойства. Личная жизнь может выйти на первый план и настойчиво заявить о себе. В вашу жизнь неиссякаемым потоком хлынут новые знакомые.



На этой неделе вам придется прибегнуть к помощи друзей — исключительно совместными усилиями удастся воплотить в жизнь некоторые интересные замыслы. К концу недели исчезнут серьезные проблемы, тяготившие вас в прошлом.




Вас может взбодрить некая очень интересная информация. Все задуманное осуществится благодаря помощи друзей и близких. Сложности останутся в прошлом, дел станет меньше. Выходные могут оказаться интересными, но чрезвычайно утомительными.



У вас будут удачными поездки и командировки. Желательно быть осторожнее при общении с коллегами и близкими людьми. Упрямством вы не достигните желаемых результатов. Возможно интересное предложение со стороны руководства.



На этой неделе может появиться заманчивый шанс сменить работу. Если же вы все-таки останетесь на прежней работе, желательно поднять вопрос о справедливом и четком распределении обязанностей. От ваших хороших взаимоотношений с коллегами будет многое зависеть.



С помощью творчества и сообразительности вы многого можете достичь на этой неделе. Начало недели посвятите завершению старых дел. Всю неделю удача будет сопутствовать вам. Произойдет событие, которое может открыть перед вами новые возможности.




Эта неделя может оказаться на редкость продуктивной и спокойной. Вам понадобится осторожность и тщательность в принятии решений. Вторая половина недели благоприятна для накопления и усвоения необходимой информации. Выходные проведите с семьей.



На этой неделе полезны поездки, знакомства и путешествия. Не отказывайтесь от задуманных планов, проявите терпение — и вас будет ожидать успех. В выходные обогатите себя новыми впечатлениями, сходите в музей, на выставку или на концерт.



Наступает достаточно плодотворная неделя. Постарайтесь потратить всю накопившуюся энергию на решение неотложных дел. Не стоит планировать серьезных дел и крупных сделок без крайней необходимости. На выходные желательно выбраться на природу.



Принимайте себя и окружающих такими, какие вы все есть на самом деле. Особый успех принесут усилия в интеллектуальной сфере и в работе с информационными потоками. Непредсказуемым и весьма эмоциональным будет общение с близкими людьми.

Ҳажвия

ХОТИН ТИЛИ

— Бу гап битта Ражабга эмас, қолганларга ҳам тегишли, — дея ҳикоясини бошлади ҳамкасбимиз Тўлқин ака. — Уйланганимнинг дастлабки кунларида мен ҳам бу тилини унчалик менсимай, бир ҳафта-ўн кунда ўрганиб олмади, деганман-у, асизда катта хато қилганман. Хотин тили шунақа мураккаб тил экани, одам беш йилда битта тилини ўрганиши мумкин, лекин хотин тилини бутун умрини сарфлаб ҳам ўрганиш қийин экан. Бу тил билан тутилган сўзини тили билан ҳам ечолмайсан...

— Сиз қандай қилиб ўргангансиз? Биринчи ўрганган сўзларингизни айта беринг, — дедик жўр бўлиб.

Тўлқин ака давом этди:

— Янги келин-куёв бўлган пайтимиз, ота-онамиз билан рўзгор битта, битта дастурхондан овқатланамиз. Олдинларни эътибор бермаган эканман, бир кун кечга бориб, овқатни еб бўлган, хотин дастурхонини йиғиштириб олдида, ичкарига кириб кетди. Биз, янги куёв шалтай-балтай деб ўтираверибмиз. Орадан бир соатча вақт ўтгач, отам:

— Ўғлим, сени келин чақиряпти, — деб қолдилар.

— Эшитмадим-ку, ота, қачон чақирди?

— Чақирганига бир соат бўлди, ўғлим, қулоғинг том битганими?

— Қўйсангиз-чи, ота, чақирса эшитардим, қар эмасман-ку! Отам елкамга қоқиб, қулдилар:

— Келин бир соат олдин туриб кетгани — бу сени чақирганими! Бунин хотин тили дейдилар! Қани, тур ўринданан!...

Ичкарига кирсам, ҳақиқатан ҳам келин аразлаб ўтирибди. «Чақирганимга бир соатдан ондин, келмайсанг», деди қовоқ осиб...

Орадан тўрт-беш ой ўтди. Қишнинг чилласи, ташқари, дов-дарахт оппоқ қор билан қопланган. Хотин бўлса, қулоғимга «анжир егим келяпти» деб қолди. Узим нимадандир тажаниб бўлиб ўтирган эдим, урушиб бердим. Тўғри-да, қишда анжир нима қилсин, олма бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Жанжалимизни отам эшитган эканлар, ёнларига чақирдилар.

— Ғўрсан-да, болам, ғўрсан, — дедилар кулиб, — ҳалигача хотин тилини ўрганмадинг, а? Келин бу билан ўз тилида бошқа нарсага айтган, сен эса тушунмагансан. «Яқинда сиз ота, мен она бўламан» деган, саводсиз!

Уятдан қизариб кетдим...

Биринчи фарзандимиз тутилганда уйимиз тўйхонага айланди. Опа-сингил, хола-амма, тоға-живан деганларидай, қариндош-уруғ бир ҳафтача остонамизни тепкилашди. Бир кун навбатдаги меҳмонлар тарқагач, хотин бешикка суяниб гап бошлади:

— Холангизнинг катта қизининг қулоғига қарадингизми? — деди.

— Қулоғига нима қилибди?

— Узини шунчаки айтганман-да, — деди гапни мухтасар қилиб.

— Бировнинг қулоғига нима ишинг бор! Узингни билсанчи! — деб койиб берсам, «сиз одамни тушунмайсанг» деб дийди қилди. Отам кириб, мени отамнинг олдида чиқартириб, келинни овуғтира кетдилар. Отамга гапириб берсам, яна қулдилар.

— Келин «сирок олиб бериш» демоқни бўлган, сен хомкалла бўлса... Бу қадини қачон ишлатасан? — отам бошимга чертиб қўйдилар.

Шу-шу бўлди-ю, мен бу қадин бошини ишлатадиган, хотиннинг гапидан, имо-ишорасидан, юриш-туришидан нима демоқчилигини билиб оладиган бўлдим.

Бир кун ишдан чарчаб борсам, ошхонада миз-миз йиғлаб ўтирибди. Олдида қўшимиз Муяссархон, эғида йўлбар терисидан тикилган пальто. Эшикдан киришим билан хотин ҳе йўқ, бе йўқ, шашт билан оғиз жуфтлаган эди, шарт-та тўхтатиб:

— Бўлди қил, менда унақа пул йўқ! — дедим.

Бу хотин тилини анча пухта ўзлаштириб олганимдан далолат эди.

Илҳом ЗОЙИР.

Рекорды Книги Гиннеса



Запуск веб-браузера Firefox 3 с открытыми несложными текстами официально признан рекордом Книги Гиннеса по количеству загрузок в течение суток.



Книга рекордов Гиннеса зарегистрировала вертолет, названный ГЭН Эйч-4, как самый маленький в мире вертолет весом 75 кг, сконструированный по чертежам знаменитого Леонардо да Винчи.



«Peugeot 308 HDI» занесен в Книгу рекордов Гиннеса как самый экономичный, практичный, комфортабельный и очень стильный автомобиль в мире.



35-этажное здание в Дубае «Capital Gate», отвергающее гравитацию, войдет в Книгу рекордов Гиннеса как башня с самым большим наклоном в мире.

АНЖУМАН

ТИЛ БИЛГАН ДИЛЛАРНИ, ЭЛЛАРНИ БОҒЛАР

Бугунги посбонга талаб ўзгача. Зеро армиямиз профессионал асосда шаклланыпти. Бу эса ўз навбатида унда хизмат қиладиган ҳарбийларга ҳам замонавий талабларни қўймоқда. Бугунги посбон нафақат жисмоний жиҳатдан етук ва кучли ҳарбий тайёргарликка, балки кенг ҳаётий билимларга эга бўлиши, етакчи, профессионал деган номига муносиб бўлиши лозим.

Мазкур талабларнинг адо этилишида олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Чунки мазкур даргоҳларда бўлажак офицерлар, Қуrollи Кучларимиз келажаги бўлган юксак салоҳиятли командирлар тайёрланади.

Бугун ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳарбий соҳанинг барча бўғинлари қатори ҳарбий таълим тизими ҳам қатор янгиланиш ва ўзгартиришлар киритилди. Курсантларга барча тайёргарликлардан чуқурлаштирилган билимлар берилмоқда. Бир нечта янги фанлар ҳам дастурдан ўрин олди. Бўлажак офицерлар ҳарб илмининг устаси бўлишлари учун билим юртларидаги таҳсил давомида уларга жанговар санъат илми билан бир қаторда халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига оид билимлар ҳамда албатта, чет тилларидан бирортаси ҳам ўргатилади.

Техника ва тараққиёт изчил ривожланиб бораётган бугунги кунда тил билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки тилни мукамал эгаллаш орқали киши кўплаб имкониятларни қўлга киритиши мумкин. Соддароқ тарзда айтсак, бу – ўша эгалланган тилда эркин мулоқот қила олиш, мавжуд адабиётларни бемалол ўқиш, фойдаланиш, илм эгаллаш борасида яна бир улкан имконият эшигини очиш демакдир.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий билим юртлари ва Қуrollи Кучлар Академиясининг чет тили ўқитувчилари ҳамда курсантлар иштирокида бўлиб ўтган «Тил ўргатишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда юқоридаги фикрлар таъкидланди. Унда соҳа мутахассислари хо-

рижий тилларни нисбатан осон ўзлаштириш бора-сидаги педагогик услублар ва уни машғулотларга татбиқ этиш ҳақидаги фикрларини билдирдилар. Шунингдек, ўрнатилган улкан монитордан тил ўрганишда қўлланиладиган янги педагогик технологияларга оид кўргазмалар тасвирлар намойиш этилиб, мулоҳазалар янада ёрқинроқ тарзда изоҳлаб берилди.

Анжуманда мазкур педагогик технологиялар ёрдамида хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган курсантларнинг чиқишлари ҳар бир ўқитувчининг машғулотларга қизгин ҳозирлик кўрганини яққол англатди. Бу тадбирнинг бошланишидаёқ икки нафардан бошловчи курсантларнинг олти тилда – ўзбек, рус, инглиз, немис, француз ва форс тилларида иштирокчиларга анжуман ҳақида маълумот берганида ҳам яққол кўзга ташланди.

– Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти тиллар кафедраси бошлиғи, Қуrollи Кучлар хизматчиси доцент Шуҳрат Икромов, – курсантларимизнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда уларга бу борада йўл-йўриқлар кўрсатишдир. Шунингдек, мазкур анжуманда бошқа таълим масканларидаги ҳамкасбларимиз билан ҳам ўзаро тажрибаларимизни ўртоқлашамиз. Бу эса ўйлайманки, соҳа ривожига ўзига хос улуш қўшади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида курсантлар томонидан юқорида санаб ўтилган тилларда сўзлашувчи мамлакатлар ва уларнинг армиялари ҳақида ўша тилларда тўпланганларга маълумотлар етказилди. Яъни бўлажак офицерлар томонидан ўзига хос матбуот анжумани ташкил этилди. Унда курсантлар ўша давлатларнинг вакиллари, элчиси, ҳарбий атташе ёхуд масъул ҳарбий хизматчиси каби ролларни ижро этиб беришди. Ўз маърузаларига мос видеороликлар ҳам тайёрлашгани чиқишларининг янада қизиқарли бўлишини таъминлади.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.
Муаллиф суратга олган.



Имтиёз

АСКАРЛИКДАН ТАЛАБАЛИК САРИ

«Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман», дея таъкидлайди Юртбошимиз Ислон Каримов.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан ёшларга катта эътибор берилиб, юртимизда уларнинг ўқиб-ўрганишлари, бирон-бир касб эгаси бўлишлари, аждодаларимизга муносиб фарзанд, ҳақиқий ватанпарвар ва соғлом бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматини ўтаган йигитларга ҳам кўплаб имтиёзлар берилган. Булардан бири хизматини намунали ўтаб, тавсияномага сазовор бўлган ёшларнинг республикамиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришларига кўмаклашувчи бепул тайёрлов курсларидир.

Хўш, республика олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, ўқишга киришга, талаба бўлишга ҳаракат қиладиган ёшлар бепул тайёрлов курслари билан боғлиқ имкониятдан қандай фойдаланишмоқда? Шу савол билан Тошкент давлат юридик институтини ҳузуридаги «Тайёрлов таълим маркази» раҳбари тарих фанлари номзоди, доцент Тангриқул Ҳамроевга мурожаат қилдик.

– 2008–2009 ўқув йилида институтимизга ҳужжат топшириб, талабалар сафига қабул қилинганлар орасида муддатли ҳарбий хизматини намунали ўтаб, тавсиянома билан қайтган ёшлар ҳам талайгина. Улардан аксарияти давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. Жорий йилда ҳам ҳукуматимиз қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматини ўтаб қайтган йигитларни тест синовларига тайёрлаяймиз. Дарсларга институтининг кўп йиллик тажриба ва малакага эга ўқитувчи-профессорлари жалб қилинган. Хизматини ўтаб, ҳаёт мактабида тобланиб қайтган ёшлар-

нинг ўзини тутиши, фикрлаши, дунёқарашини, билимга чанқоқлиги тезда кўзга ташланади.

Хўш, тайёрлов марказида таълим олаётган ёшларнинг ўзи бу борада қандай фикрда?

Аббос РОЗИҚОВ: – Ҳаётимда армия муҳим ўрин тутди. Хизматда жуда кўп нарсани ўргандим, англадим. Ҳам маънави, ҳам жисмонан тобландим, чиниқдим. Хизмат давомида бизга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида узоқ тўхталишим мумкин. Намунали хизматим бонс тавсияномага сазовор бўлдим. Мана, ҳозир берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, тайёрлов марказида бепул таълим олаётиман. Келгусида юртимиз раънақиға муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

Анвар НОҲЧОЕВ: – Армияда билаларим кучга тўлди, дунёқарашим янада кенгайди. Хизматдан тавсиянома билан қайтдим. Шу кунларда мазкур тайёрлов марказида бепул таълим олиб, тест синовларига жиддий тайёргарлик кўраяман. Ҳатто дардан ташқари қўшимча машғулотлар ҳам олиб борилмоқда. Ахир бундай имкониятдан фойдаланмасдан бўладими? Шунинг учун бор ғайратимиз ва билимимизни ишга солиб, устозлардан сабоқ олаётимиз.

Зафар МАВЛОНОВ, 1-курс талабаси:

– Мен ҳам мана шу йигитлар каби муддатли ҳарбий хизматини ўтаб, тавсияномани қўлга киритиб, бир йил муқаддам мазкур даргоҳда устозлардан билим олиб, яхши ниятлар билан ўқишга

ҳужжат топширгандим. Тайёрлов марказида олган билимларим, армия сафларида ўзлаштирган сабоқларим туфайли юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртининг талабаси бўлишга муяссар бўлдим. Тайёрлов маркази ҳақида гапирадиган бўлсам, бу ерда ўқиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Энг асосийси, малакали устозлар фидойиларча ёшларга сабоқ беришади. Мақсад битта, ёш авлодини билимли, салоҳиятли этиб тарбиялаш.

Ишончимиз комилки, ёшларимиз билим ва салоҳиятлари билан барча соҳаларда жонбозлик кўрсатиб, мустақил юртимизнинг янада обод бўлишига, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшадилар.


Ахрор РАҲАБОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ «ТАЙЁРЛОВ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ»ДА ЎҚИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!

Марказда тарих, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили фанларидан институтнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўзбек ва рус тилларида машғулотлар олиб боришади. Муддатли ҳарбий хизматини ўтаб, тавсияномага сазовор бўлган ёшлар учун бепул махсус тайёрлов курси ташкил этилган. Ҳуши 2009 йилнинг 20 июлига қадар давом этади.

Манзил: Тошкент шаҳар, талабалар шаҳарчаси, 190-уй, Тошкент давлат юридик институтининг иккинчи мутахассислик факультети биноси (мўлжал: ТДЮИ талабалар ётоқхонаси).

Маълумот учун телефон: 246 23 36, 154 82 22, 222 95 67.



АСКАР

ПАМЯТЬ О СЛУЖБЕ В СЕРДЦЕ СОЛДАТСКОМ

В эти дни повсеместно проводятся торжественные проводы призывников в ряды Вооруженных Сил. Наряду с этим армейская семья провожает к родным пенатам солдат срочной службы, которые выполнили свой долг перед Родиной.

Замер воинский строй — эти brave юноши в голубых беретах десантников вновь пойдут по плацу части торжественным маршем. В последний раз вытянутся они по команде «Смирно!». Выравниваясь в шеренгах, они бросают взгляды на сержантов — строгих и внимательных, но в то же время заботливых. Да разве забудут они дни армейской службы? Нет, благодарная память этих возмужавших парней сохранит навсегда в сердце все, что было за время солдатской службы.

Рядовому Акмалю Бинокулову командир части торжественно вручил нагрудный знак «Отличник общественно-политической подготовки».

Светятся материнской нежностью лица представителей местного органа власти Мавлюды Усмановой и женсовета части Хилолы Турсунматовой, ведь эти юноши успели для них стать такими же дорогими, словно родные дети. Казалось, совсем недавно наряжали елку в части, а уже пора прощаться.

Офицеры подразделения с волнением слушают выступление рядового Одилбека Абдуллаева. Он выразил от имени себя и своих товарищей по

оружию слова сыновней благодарности за науку побеждать, за веру в силу солдатской взаимовыручки, за ценные уроки мужества и мастерства.

Рядовой Саидакмал Якубов увезет в родной Андижан не только память о нерушимом братстве, о прыжках под белоснежным куполом, но и Рекомендацию на право льготного поступления в вузы страны. Благодаря заботе руководства страны сегодня наша молодежь после службы в армии имеет преимущества при поступлении на учебу.

— Буду поступать в горный институт родного города Навои, — говорит рядовой Журабек Пармонов, удостоенный нагрудного знака отличника общественно-политической подготовки. А вот рядовой Гиёсбек Мамажонов из Ханабдского района Андижанской области хочет поступать в Узбекский государственный институт физической культуры. До службы в армии занимался боксом, теперь хочет стать тренером.

Впрочем, в этот день чествуют не только солдат. Из рук командира получили нагрудный знак «Отличник общественно-политической подготов-

ки» майор Икром Машароипов, капитан Фахриддин Камолов, младшие сержанты Мурод Мусаев и Холбой Муродов. Уходящие в резерв солдаты аплодируют своим офицерам и сержантам, разделяя с ними радость успеха.

И это вполне закономерно, ведь далеко не все из них сегодня прощаются навсегда с армейской семьей. Например, рядовой Хуснитдин Рахматов совсем ненадолго приедет к себе домой в Узунский район Сурхандарьинской области. Он вскоре отправится поступать в СВВА-КИУ, мечта стать офицером за год службы в душе солдата только окрепла, а претворить ее поможет Рекомендация на право льготного поступления.


Сразу после прохождения торжественным маршем над плацем грянула задорная эстрадная музыка — это музыканты из группы под руководством Шерзода Шорахмедова решили поздравить воинов.

Отплясывая на плацу, ребята прощаются с солдатской юностью, а уже вечером поезд умчит их домой. Впереди большая дорога во взрослую жизнь. Но память об армии, о командирах и друзьях навсегда останется в сердцах солдат.

Майор Аблай КАМАЛОВ.

САБОҚЛАРИ УЛКАН БЎЛДИ, БУ МАКТАБНИНГ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиб тўғрисида»ги Қарорига асосан, барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида қизғин иш олиб борилиб, талабгор ёшлар орасидан энг саралари танлаб олиниб, Куролли Кучларимиз сафларига ўз Конституциявий бурчларини ўташга юборилдилар.



Айни куларда эса Куролли Кучларимиз сафларидан резервга бўшатилган йигитларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш жараёни кутаринки руҳда давом этипти. Жумладан, Тошкент темирйўл вокзалида Тошкент ҳарбий округи қисми ва бўлимларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, резервга бўшатилган ўғлонларни янаш жойларига кузатишга бағишланган тантана ва митинг бўлиб ўтди. Кузатишга чиққандар юзидан хурсандчилик, қалбида гурур туйғулари жўш урмоқда. Шу ўринда, йигитларнинг бир йил давомида олган билим ва кўникмалари, қўлга юритган ютуқлари, армияда яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Аскар илк ҳарбий кўникмаларини эгаллаб, Президентига, халқига содиқликдан онг ичди. Офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа билимларини пухта ўзлаштиришга интилдди. Турли маданий-маърифий тадбирларда, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, қатор ютуқларни қўлга киритга бошлади. Барча тайёргарликлардан аъло, яхши баҳоларга эришиб, командирлар эътиборига тушди. Натijaда ота-онаси номига ташаккурнома йўлланди. Ота-она, жамоатчилик фарзанд камолидан, ютуғидан фахрландилар. Хулоса қилиб айтганда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигит нафақат ҳарбий соҳа сир-асорларини ўрганди, балки ҳаёт мактабидан ҳар томонлама товланди, чиникди. Армия сабабли келажикига мустаҳкам, ишончли пойдевор қўйди.

КУЗАТИШ ТАНТАНАЛАРИ

Кузатиш тантанасига бағишланган митингда Тошкент ҳарбий округи маъсул офицерлари, шаҳар ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Барчанинг эътибори бежирим ҳарбий либосда саф тортиб турган ўғлонларда. Округ маъсул офицери Алишер Мунинов митингнинг кириш сўзи билан очар экан, йигит-

ларни бурчларини шараф билан ўтаб, яқинлари ёнига ёруғ юз ила қайтиб кетаётганликлари билан самимий табриклади. Шундан сўнг давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари сўзга чиқиб, резервга бўшатилган аскарларга ўз тилакларини билдиришди.

Фурсатдан фойдаланиб, йигитлар билан суҳбатлашдик.

Бекзод МУҚИМОВ:

— Ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалар аскарлик хизмати билан боғлиқ бўлиб қолса, ажабмас. Хизмат мобайнида ҳар томонлама товландим, чиникдим. Мустақил Ватанимнинг посбони бўлишдек шарафга эришганимдан гоёт мамнунман.

Бекзод десантчилар қисмида ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб, барча тайёргарликлардан яхши натижаларга эришган. Жумладан, ёзи мавсум ўқув машғулотида илғорлар сафидан жой олиб, Фахрий ёрлик ҳамда «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилиси» кўкрак нишонини билан тақдирланди. Утказилган 16-оммавий спорт ишларидаги фаоллиги учун «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонини қўлга киритди. Интеллектуал салоҳияти юксак ўғлон тавсиянома учун утказилган тест синовларида юқори натижага эришиб, мазкур имтиёзга ҳам эга бўлди.

Ферузбек ШОКИРАЛИЕВ:

— Метин иродали бўлиб шаклланишда, билимларимизнинг янада бойишида, энг асосийси, ҳарб илмидан сабоқ олиб, юрт ҳимоясига муносиб ўғлон бўлиб камол топишимизда ҳаёт мактаби муҳим аҳамият касб этди. Дадам шу соҳада фаолият юритгани боис биз фарзандлар ҳам у кишининг изидан боришга қарор қилганмиз. Ҳозирда акам Илёс Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 2-курс курсанти. Мен ҳам уйга қайтиб, ўқишга жиддий тайёргарлик кўриб, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширишни кўнглимга тукканман.

Мўлжалга олувчи вазифасида хизмат қилган Ферузбек соҳани мукаммал ўзлаштириб, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда ҳаминша илғорлар сафидан бўлиб келди. Шу боис у «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилиси» кўкрак нишонини билан тақдирланди.

Акобир АБДУЛЛАЕВ армия таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, эришган ютуқлари замирида офицер ва сержантлардан олган билимлари ётганини алоҳида таъкидлаб, уларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Уқин вазифасида хизмат қилган йигит бир қатор ютуқларни қўлга киритган. Жумладан, утказилган дала-ўқув машғулотидаги илғорлиги учун «Жанговар тайёргарлик аълочилиси» кўкрак нишонига сазовор бўлган, ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарликлардаги илғорлиги учун тавсияномага лойиқ топилган. Яна бир катта ютуғи, намунали хизмати учун Куролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан ота-онасига йўлланган ташаккурномадир.

Резервга бўшатилганлар — Суннатилло Ибрагимов, Сардор Ашурбеков, Лочин Шарофидинов, Даврон Тожибоев, Жавлон Абдуқаҳоровлар ўз таассуротлари ҳақида гапирар экан, келгуси режаларини амалга оширишлари учун ҳаёт мактаби дея аталмиш армия уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашди.

Ишончимиз комилки, армияда ҳар томонлама товланиб, юртга муносиб посбон бўлишдек шарафга эришиб, резервга бўшатилган йигитларимиз Ватанимиз равнақи ва унинг гуллаб-яшнаши йўлида ҳам жонбозлик кўрсатишади.

Ахрор АЗИЗОВ.

Баҳром АБДУРАҲИМОВ сураатта олган.

УЙИГА ҚАЙТДИ

ЙИГИТЛИК БУРЧИНИ ЎТАГАН ЭРЛАР

Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош қўмондонининг тегишли Фармониға биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар эндиликда март-апрель ойларида резервға бўшатилишидан хабарингиз бор. Шу кунларда зиммаларидаги юксак конституциявий бурчларини адо этиб, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ва ҳаёт мактаби аталмиш армияда ҳар томонлама шаклланган ўғлонлар уйларига қайта бошладилар. Ислохотлар самараси ўлароқ пайдо бўлган янгича анъаналарға кўра, уларни кутиб олиш тадбирлари жойларда катта тантана билан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида қизгин тарзда ўтказилмоқда.

Ана шундай кутиб олиш тадбирларидан бири пойтахтимиздаги темирйўл шохбекатида бўлиб ўтди. Унда фарзандлари истиқболга пешвоз чиққан ота-оналар ҳамда юрт қорига камарбаста бўлган ўғлонларнинг дўст-яқинлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Кутилаётган поезд этиб келишига озгина фурсат қолган. Барчанинг юз-кўзларида соғинч ва орзиқиш ифодалари. Ниҳоят, вокзал навбатчиси томонидан микрофон орқали поезд этиб келгани ҳақидаги маълумот эълон қилинди. Худди шу лаҳзалардаёқ чор-атрофға карнай-сурнай ва ноғораларнинг жарангдор садолари таралди. Ҳа, бу тўй, аскар тўйи эди. Ўзбек шодлик кунларини ана шундай нишонлайди. Қувончини чор-атрофға овоза этади.

Ана, йигитлик сабоқларини эгаллаб, ҳар томонлама шаклланган норғул ўғлонлар вагонлардан бир-бир тушиб кела бошладилар. Карнай-сурнай садолариға энди шодон ҳайқиртиқлар жўр бўлди. Уларға қадрдонлар кучоқ очинди. Барча, айниқса, мунис ва меҳрибон оналарнинг қувончи чексиз. Алпкелбат ўғлонлари бағрини тўлдирган муҳтарам волидаларнинг нур ёғилиб турган юз-кўзларида шодлик ва бахтиёрлик ифодаси балқийди. Нуридийласини Ватан хизматиға кузатаётганида қалбини бир қадар қувонч эгаллаган бўлса, бугун у билан дийдорлашиб тургани янада шодлик бағишлайди. Йигитларнинг ҳар томонлама улғайганликлари мардона боқишларидан ва қадам ташлашларидан ҳам яққол сезилади.

– Ўғлим Айюбхон йигитлик бурчини ўтаб, ёруғ юз билан

қайтиб келганидан бошимиз осмонға етди, – дейди Ҳасанхон ака Ҳайитов. – Мана, яхши хизмат қилгани учун тавсияномаға ҳам муносиб топилибди. Хизмат қилиб юрганида Мудофаа вазиридан ташаккурнома ҳам олгандик. Ушандаги хурсандчилигимизни кўрсангиз эди. Раҳмат, юзимизни ёруғ қилиб, эл ичра раҳмат олиб берганинға, болам, – дейди ота қувонч билан.

Паҳлавонини ҳамон бағридан бўшатгиси келмаётган Гуласал опа ҳам турмуш ўртоғининг ушбу сўзларини тасдиқлар экан, ҳарбий либоси ярашиб турган фарзандига яна бир бор меҳр билан қараб қўйди.

– Тошкент вилоятининг Ангрен туманиданмиз, – дейди навбатдаги суҳбатдошларимдан бири Алишер Мираҳмедов ёнидаги дўсти Элдор Матибрагимовға ишора қилиб. – Биз икки дўст ёшлиқдан бирға катта бўлганмиз, армияға ҳам бирға кетдик. Хизматда дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, сафларда синалдик. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни ўрганиб, жисмонан чиниқдик, шакландик. Олган билимларимиз келажакда асқотишиға, иш ва турмушда қўл келишиға шубҳа йўқ. Хизмат қилиб ота-онамизни, дўст-яқинларимиз, Ватанимиз ва азиз юртдошларимизни кўриқлаганимиздан чексиз фахр-ифтихор туямиз. Иккаламиз ҳам қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномаға муносиб бўлдик. Эндиги мақсадимиз, биргаликда Тошкент автомобиль – йўллар институтига ўқишға кириш. Чунки икковимиз ҳам техникаға қизиқамиз. Армияда ҳам ҳарбий техникаларни бошқардик.

Бир-бириға меҳрибон бу икки ўртоқдаги оқибатни кўриб

ҳавасинг келади. Ўғлонларнинг кенг фикрлаши, келажакка ишонч билан боқишлари эса ҳаёт мактаби сабаб. Беихтиёр Президентимизнинг, «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуrolли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишиға айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирға, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топтомоқда...» деган фикрлари ёдимға тушади.

Дарҳақиқат, армия эр йигитнинг камол топишида, жисмонан ва маънан юксалишида, мустақил фикрга эга бўлиб, шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутаети. Айниқса, бугун кенг қўламли ислохотлар изчил олиб борилаётган миллий армиямизда ёшларимиз учун янги имкониятлар эшиги очилаётганини таъкидлаш мумкин. Шу боис ҳам бугун юртимиз ёшларида армия сафларида хизмат қилиш, шарафли касбни эгаллашға ҳавас ва иштиёқ катта. Буни таълим муассасалари ёки маҳалларда ҳарбийлар билан ўтказиладиган учрашувларда, мудофаа ишлари бўлимлари чақирув пунктларида хизматға сараланаётган йигитлар билан суҳбатлашганда ҳам бемалол англаб олиш мумкин.

Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиб қайтган шунқорларни тадбир иштирокчилари қутладилар.

Ҳа, халқимиз мардликни, эзгу ишни доимо қадрлайди. Осойишталикни асрашдек эзгу ишға бел боғлаб, уни шараф билан ниҳоясига етказган ва қадрдон гўшасига қайтган фарзандларни яқинлари ана шундай ҳурмат билан қарши оладилар. Ҳаёт мактабида тобланган ўғлонлар олган билим ва тажрибаларини ҳаётға татбиқ этиб, бундан буён ҳам юртимиз ривожини йўлида фидоқорона меҳнат қилишлариға ишончимиз комил.

Катта лейтенант Сардор КОМИЛОВ.
Муаллиф суратта олган.



ЮРТ ХИЗМАТИ ТОБЛАР ЙИГИТНИ

Шу кунларда Қуrolли Кучларимиз сафларидан резервға бўшатилган йигитларни байрамона тарзда кутиб олишға бағишланган тантаналар катта шодиёналарға айланмоқда.

Жумладан, Қарши шаҳар темирйўл вокзалида ҳам муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, резервға бўшатилган йигитларни воҳа аҳли кўтаришчи руҳда кутиб олишди. Ҳаёт мактабида тобланган алп келбатли, забардаст йигитларни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, ота-оналар ва ёру биродарлари хуш қайфиятда қарши олишди. Айниқса, ота-оналар қувончининг чеки йўқ. Ахир қувонмасдан бўладими?! Бундан бир йил муқаддам Ватан олдидаги бурчини ўташға жўнаган фарзанди ҳам маънан, ҳам руҳан камол топиб, ёруғ юз ила қайтмоқда.

– Буй-бастига қараб, ўтган бир йил ўғлимнинг ҳаётида кўп ўзгариш ясаганлигини англадим, – дейди кучоқ очиб фарзандини бағриға босган Нормўмин ота Зулфиқоров. – Унинг ўзини тутиши, гапларидаги қатъийлик, кўзларидаги қувонч армия унға улкан сабоқ берганини кўрсатиб турибди. Ўғлим Садриддиннинг Ватан олдидаги бурчини муносиб ўтаб, эл қорига камарбаста бўлганидан онамиздагиларнинг барчаси хурсанд. Укалари ҳам унға ҳавас қилиб, муддатли ҳарбий хизматға боришни кўнгиллариға тугиб қўйишган.

Карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган азаматларни барча катта шодиёналар ила олқишлади, шу кун. Кимдир қўлида гул кўтариб, ёри томон талпинса, яна кимдир фарзандини бағриға босиб, яхши ниятлар билан дуоға қўл очди. Тантанани кузатар экансиз, қалбингизда ўзгача шуқуҳ пайдо бўлади. Аскарлик либослари ярашиб турган ўғлонларға қараб, беихтиёр «балли, азамат, сен билан халқинг фахрланмоқда» дейсиз. Уларнинг гапларини эшитиб, армияда қанчалар шаклланганиға амин бўласиз.

– Жонажон Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, бурчға содиқ бўлиш ҳар биримиз учун катта шараф ва масъулиятли вазифа ҳисобланади, – дейди қамалилик Бекзод Авазов. – Армия сафида хизмат қилиб, қатъий тартиб-интизомға ўргандим, ҳар томонлама тобландим. Намунали хизматим боис, Фахрий ёрлик билан тақдирландим, тавсияномаға эга бўлдим. Бу келгуси ҳаёт йўлимни танлашимда, олдимға қўйган мақсадларимға эришишимда муҳим аҳамият касб этади, Албатта, бу ниятларимға эришишимда армияда олган сабоқларим жуда асқотаети.

Зухра ОЙМАМАНОВА.
Муаллиф олган сурат.



ASKAR

MAQSAD – YUKSAK ISHONCHNI OQLASH



Ularning dam olishlaridan tortib, adabiyotlar o'qib, bilimlarini boyitishlari, harbiy soha ilmini puxta egallashlari, madaniy hordiq chiqarishlari, umuman haqiqiy er yigit bo'lib shakllanishlari uchun barcha sharoitlar muhayyo.

Dars jadvali bo'yicha askarlar jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotini o'tkazishayotgan ekan. Alp qomatli, bir-biridan o'ktam yigitlar jismonan tayyorgarlikda bir-birlaridan qolishmasliklari ko'rinib turibdi. Ularga armiyamiz suyanchi va tayanchi bo'lmish kichik komandirlar jismoniy saboqlarni o'rgatishmoqda.

Navbatdagi mashg'ulotni kuzatamiz. Ofitser Shuhrat Atronov askarlarga saf tayyorgarligi bo'yicha saboq berayapti. Kerakli qoidalarni yon daftarlariga yozib borayotgan askarlar mashg'ulotga jiddiy e'tibor berishib, o'zlarini qiziqirgan savollarga javob olishmoqda.

– Yosh askarlar bilan yangi dastur asosida mashg'ulot olib borayapmiz, – deydi ofitser Avazbek Qoraboyev. – Ushbu dastur bizga ham, askarlarga ham har tomonlama qulayligi bilan ma'qul keldi. Dasturda barcha mashg'ulotlarning mavzusi, vaqti, aniq ko'rsatilgan bo'lib, reja bo'yicha o'tkazilmoqda.

Askarlarning salomatligi va tibbiy saboqni o'zlashtirishlari yo'lida ham talaygina ishlar amalga oshirilmoqda. Tibbiy xizmat mayori Bahrom Ochilov har kuni ertalabki ko'rikdan so'ng, shaxsiy gigiyena, tozalik bo'yicha tushuntirish ishlarini olib borayapti.

– Posbonlarning salomatligini nazorat qilish eng asosiy vazifamiz. Chunki posbon salomat bo'lsa, jangovar shayligi ta'minlangan bo'ladi, – deydi tibbiy xizmat mayori. – Shuning uchun ular bilan har kuni mashg'ulot o'tkazib borayapmiz. Har xil yuqumli kasalliklardan saqlanishlari uchun barcha zaruriy choralarini ko'rayapmiz. Yotoqxonalarda, o'quv maydonchalarida hamisha qaynatilgan choy bo'lishini ta'minlayapmiz.

Askarlar bilan suhbatlashish asnosida ularning barchasi xizmatga katta ishtiyoq va ulkan rejalar bilan kelishganiga amin bo'ldik.

– Armiyaga qadar Buxoro avtomobil yo'llari kasb-hunar kollejida o'qib, soham bo'yicha kerakli bilimlarga ega bo'ldim, – deydi buxorolik oddiy askar Akbar Egamov. – Armiyaga bo'lgan ishtiyoqim tufayli muqdatli harbiy xizmatga keldim. Xizmatimni namunali o'tab, amakim serjant Umid Egamov kabi yurtimga munosib posbon bo'lib, harbiy sohada faoliyat yuritishni maqsad qilganman.

– Yoshligimdan sportning boks turi bilan shug'ullanib kelaman, – deydi andijonlik oddiy askar Doniyor Sheraliyev. – Armiyaga qadar ham shu sport turi bo'yicha

turli musobaqalarga qatnashib keldim. O'tgan yili yoshlar o'rtasida o'tkazilgan tuman birinchiligida 1-o'ringa sazovor bo'ldim. Xizmatim davomida ham bu sport bilan muntazam shug'ullanib boraman. Buning uchun qismida barcha sharoitlarning borligi meni juda quvontirdi.

Shuningdek, farg'onalik oddiy askar Alimardon Sobirov ham sportning karate turi bilan shug'ullanib, bir necha bor viloyat birinchiligi musobaqalarida qatnashib, faxrli o'rinlarni egallab kelgan.

Oddiy askarlar – Ulug'bek Anorov, Sultonbek Qayumov, Oybek Avazovlar ham o'z fikrlarini bildirishib, kelajakda harbiylik kasbida faoliyat yuritishni maqsad qilganliklarini ta'kidlashdi.

Yosh askarlarga Bahodir Otamurodov, Rashid Ashurov, Hojiakbar Bobobekov, Dilmurod Gaipov, Bekzod Abdurahmonov kabi malakali va tajribali ofitserlar, serjant Alisher Eshnazarov, kichik serjantlar – Shuhrat Davlatov, Laziz Jabborov, shartnoma bo'yicha xizmat oddiy askari Halim Tursunovlar saboq berib kelishmoqda.

Ishonchimiz komilki, askarlar oldilariga turgan mas'uliyatli va sharafli vazifani namunali ado etib, yurtga munosib posbon bo'lib, bildirilayotgan yuksak ishonchni albatta oqlaydilar.

Ahror NOZIMOV.
Bahrom ABDURAHIMOV olgan surat.

Tuhfa

ONA

Navbahor misoli go'zalsan ayol,
Bag'ringda farzandlar misli nav-nihol,
Qoshingda parilar qoladilar lol,
Onasan, buyuksan, mehribon ayol.

Farzandlar kamolin ko'rding, quvonding,
Nurli istiqboliga sen ishonding,
Qasamiga sodiq askar o'g'loning,
Onasan, buyuksan mehribon ayol.

I. AGZAMOV.

SAFLARNI TO'LDIRAR JASUR O'G'LONLAR

Prezidentimizning «Fuqarolarning O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muqdatli harbiy xizmatni o'tash shart-sharoitlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi Farmoniga muvofiq joriy yildan etiboran chaqiruv yiliga bir marotaba – fevral-mart oylarida amalga oshiriladigan bo'ldi. Bugun joriy etilgan bu yangicha tartib asosida yigitlarimiz saflarni to'ldirishmoqda.

Ular bilan suhbatlashar ekanmiz, barchalari «Vatan himoyachisi» degan sharafli nomga sazovor bo'lganidan mamnunligini, harbiy kasb egasi bo'lish ko'pchiligining bolalik orzusi ekanini ta'kidlashdi.

Oddiy askar Qayumjon ROZIQOV:

– Katta bo'lsam, albatta harbiy bo'laman, deb niyat

qildim. Bugun orzuimga yetib, egnimga harbiy libos kiydim. Ota-onam mening bunday sharafiga munosib bo'lganimdan juda-juda quvonishdi. Axir bugun ko'pchilikning orzusiga aylangan muqdatli harbiy xizmatga loyiq deb topildim-da.

Armiya hayoti, posbonlarga yaratilgan shart-sharoitlar bilan tanishar ekanman, sharafli soha egalariga e'tibor qaratilayotganini yanada teran his qildim. Maqsadim, otabobolarimizning buyuk an'alariga sodiq qolib, Vatanimga sharafla bilan xizmat qilish.

Oddiy askar Azizbek RAHMONOV:

– Sarhadlarimizni qo'riqlashdek mas'uliyatli vazifa yuklanganidan faxrlanaman. Milliy armiya – xalq, millatning g'urur va iftixori ramzi ekanini, bu bizdan matonat, jasorat,

burchga sodiqlik kabi fazilatlarni shakllantirishni talab etishini anglab yetdim. Bu menga yanada kuch bag'ishlamoqda.

Oddiy askar Husniddin KATTAYEV:

– Zimmamizdagi vazifani ado etishga kirishganimizga ham hademay bir oy bo'ladi. Shu qisqa davrda ko'p narsalarni o'rgandik, harbiy ilmi bo'yicha ilk saboqlarni oldik, Umumharbiy nizomlar bilan tanishdik. Muqdatli harbiy xizmatni namunali o'tab, oilam bag'riga yorug' yuz bilan qaytgach, oliy o'quv yurtida tahsil olmoqchiman. Ishonamanki, bu niyatimga erishishimda armiyada olgan saboqlarim asqotadi.

Podpolkovnik Muhammadjon MATAYEV,
mayor Z. YARASHIYEV.



СПОРТ

8
МАРТ

Дзюдо: международный турнир

ОЧЕРЕДНАЯ ПОБЕДА САБИРОВА

На завершившемся в германском городе Гамбурге международном турнире по борьбе дзюдо серии «Гран-при» класса «А», где приняли участие сильнейшие спортсмены из 42 стран мира, удачно выступили узбекистанские атлеты. В активе наших соотечественников две золотые медали.

Отрадно, что одну из двух золотых наград завоевал представитель армейского клуба МХСК, бронзовый призер Пекинской Олимпиады, мастер спорта международного класса лейтенант Ришат Сабилов. В весовой категории до 60 кг, где выступал наш армеец Р. Сабилов, собрались многоопытные мастера татами с мировыми именами. Но тем не менее Ришат, проявив высокое спортивное мастерство, настоящий армейский характер и волю к победе, сумел завоевать золотую награду. Перед узбекистанским дзюдоистом не устояли сильнейшие соперники из Ирана, Грузии, Японии и Кубы.

Этот международный турнир знаменателен тем, что победы и призовые места на данных соревнованиях прибавляют очки для получения заветной олимпийской путевки в Лондон-2012. Так что в штурме за лицензию для участия в очередных олимпийских играх 2012 года Р. Сабилов сделал первые успешные шаги.

Вторым золотым призером стал динамовец Абдулла Тангриев, выступавший в весовой категории свыше 100 кг.

К сожалению, мастера спорта международного класса младшие сержанты Рамзиддин Саидов (90 кг) и Уткир Курбанов (100 кг) оказались за чертой призеров.

— Нашим ребятам еще предстоит участвовать в ряде турниров и чемпионатах мира, где, надеемся, они наверстают упущенное на данных соревнованиях, — говорит старший тренер МХСК по дзюдо Борис Григорьев. — Так что у наших спортсменов большие победы еще впереди.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.



Баскетбол

НЕ КУБКОВОМ ЕДИНЫМ

В конце февраля в Ташкенте завершился Кубок Узбекистана. Баскетболистам МХСК была важна не только победа в престижном состязании, но и проверка в игре молодых спортсменов.

В пяти матчах на Кубок Узбекистана бессменный лидер нашего баскетбола не дал соперникам ни одного шанса усомниться в своем превосходстве. На пути к финалу с большой разницей в счете были повержены команды Национального университета Узбекистана, Андижанского государственного университета, Ташкентского государственного технического университета и молодежная сборная Республиканской школы высшего спортивного мастерства.

В финале армейцам противостоял принципиальный и основной соперник за последние годы — команда Навоийского горно-обогатительного комбината. В игре по ходу матча МХСК доводил разрыв до 25 очков, но в конце дали возможность сыграть молодежи,

в итоге завершив матч со счетом 81:71. Весомый вклад в победу внесли младшие сержанты Зиннур Хабибуллин и Хурматжон Нуралиев, а также Вячеслав Денисов, Евгений Шатров и Руслан Абдурахманов.

— Игры на Кубок страны стали для нас этапом подготовки к чемпионату мира среди военнослужащих, который пройдет в июне в Литве, — рассказывает старший тренер МХСК по баскетболу майор Олег Левин. — Поскольку МХСК является базовым клубом для национальной сборной Узбекистана, важно было проверить ведущих игроков перед играми отборочного цикла и финальной стадией чемпионата Азии по баскетболу.

Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото майора Олега ЛЕВИНА.



«Шижоат майдони»

БАРЧИНОЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА



Юртимизда фасллар келинчаги баҳор нафаси уфуриб, севимли айём, 8 март — Хотин-қизлар байрами яқинлашиб келмоқда. Жонажон юртимизнинг ҳар бир гўшасида мунис ва муўтабар бувижонларимизу онахонларимиз, севимли опа-сингилларимиз байрамга қизгин тайёргарлик кўриб, турли тадбирлар, кўрик-танловлар, шу жумладан спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда.

Ана шундай байрамолди спорт мусобақаларидан бири Тошкент олий умумқўшни қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтди. Байрамона ва жуда қизиқарли руҳда ўтган «Шижоат майдони» танловининг ушбу босқичида мард, жасур, энчил ва чаққон ҳарбий хизматчи аёллардан ташкил топган подполковник Т. Раҳматуллаев хизмат қилаётган қисмининг «Алоқачи» ҳамда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг «Соф юрак» жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар.

Мухлисларнинг ҳайқириқлари ва қизгин қўллаб-қувватлашлари остида ўтган мазкур баҳсда қатнашчилар энчиллик, чаққонлик, моҳирлик, арқон тортиш ҳамда моҳир дарвозабонлар беллашувларида куч синашдилар.

Барча шартлар бўйича умумий тўп-

ланган баллар бўйича ўз рақибларидан 1 очко кўпроқ жамғаришга эришган «Алоқачи» жамоаси 36:35 ҳисобида голиб чиқди.

Ҳа, ҳар бир мусобақада голиб ва мағлублар бўлади. Аммо бундай танловларда иштирок этишнинг ўзи ҳам қатнашчилар учун бир умр ёдда қоладиган воқеадир. Бу борада «Соф юрак» жамоаси сардори кичик сержант Гулнора Аҳмаджонова шундай дейди:

— Биринчи навбатда, биз учун шундай ажойиб ва қизиқарли мусобақани уюштириб берган ташкилотчиларга жамоамиз номидан ўз миннатдорчилигини билдираман. Баҳслар жуда қизгин ва муросасиз ўтди. Сўнгги дақиқаларда муҳим очколарни бой бериб, мағлубиятга учраган бўлсак-да, биз учун бу мусобақа тажриба мактаби бўлди. Эндиликда, янада яхши тайёргарлик кўриб, кейинги мусобақаларда галаба қозонишга ҳаракат қиламиз.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов барча иштирокчиларни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклаб, голиб ва совриндорларга Фаҳрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширди.

С. ПЎЛАТОВ.



Легкая атлетика

СРЕДИ ЧЕМПИОНОВ — АРМЕЙЦЫ

Отменно выступила команда МХСК на открытом чемпионате Узбекистана по легкой атлетике в помещениях. В командном зачете армейцы одержали уверенную победу, причем немало наших атлетов стали чемпионами и призерами.

В командном зачете первая тройка команд выглядит таким образом: МХСК, ДФСО профсоюз, «Ёшлик». А в личном зачете армейцы восемь раз поднимались на высшую ступень пьедестала.

Так, в беге на дистанцию 60 метров с барьерами победу одержала Зарина Кадырова из СВВАКИУ. Всего одну сотую долю секунды уступила ей подруга по команде МХСК Анастасия Прошкина, у которой серебряная медаль. У мужчин эту дистанцию пробежал быстрее всех армеец Олег Норматов.

«Гладкие» 60 метров и 200 метров быстрее всех пробежал армеец Акбар Умаров. Причем в беге на 60 метров весь пьедестал был нашим: второе место занял Игорь Гончаров, а третье — Алексей Севриков. Среди женщин на этой дистанции «бронза» в активе Оксаны Кошелевой, ставшей третьим призером и на 200 метров.

Александра Котлярова из СВВАКИУ стала чемпионкой в прыжках в длину, улетев на 6 метров 30 сантиметров, а также в тройном прыжке с результатом 13 метров 60 сантиметров. В тройном прыжке армейские спортсменки были вне конкуренции: «серебро» у младшего сержанта Надии Дусановой и «бронза» у Александры Быстрыговой из ЧВТКИУ. Кстати, в прыжках в длину у Быстрыговой серебряная награда, а Дусанова стала сильнейшей в прыжках в высоту.

В прыжках с шестом не было равных младшему сержанту Леониду Андрееву, ему покорилась высота 5 метров 50 сантиметров. В этой дисциплине серебряная медаль у армейца Рифата Артыкова, который стал также вторым призером в прыжках в высоту. А его одноклубник Марат Хайдаров стал бронзовым призером в высоте.

Чемпионами стали спринтеры МХСК и в эстафете 4x200 метров. В эту победу весомый вклад внесли не только Акбар Умаров, Игорь Гончаров и Илс Саматов, но и рядовой по контракту ТВОКУ Павел Вдовенко. У женщин в эстафете на эту дистанцию кватет в составе Оксаны Кошелевой, Анастасии Прошкиной, Александры Котляровой и рядового по контракту Анны Сидоровой занял третье место. Кроме того, Анна стала серебряным призером на дистанциях 800 и 1500 метров.

В длинном спринте на 400 метров бронзовую медаль завоевала Ирина Зудихина, такая же награда у толкателей ядра Алексея Шуккина и Анастасии Семибратовой.

Чемпионат страны позволил не только проверить в деле лидеров команды, входящих в национальную сборную Узбекистана, — говорит старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кумураддов, — но и «обстрелять» перспективную молодежь. Пусть они не стали медалистами, но свои личные рекорды обновили, что вселяет надежды в качестве нашего ближнего резерва.

Майор Анвар ИЛЬСОВ.

Бокс

ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Россияда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь ҳамда Қозоғистон вакиллари ҳам ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мамлакатимиз шарафини Марат Қурбонов ва Абдувоҳид Жалолов мурабийлик қилаётган боксчилар ҳимоя қилишди. Финал учрашувида қатнашган юртдошларимиздан уч нафари россиялик рақибларини енгиб, олтин медалларга сазовор бўлди. Ҳал қилувчи баҳсда Жасурбек Латипов Руслан Гансулаковни 9:2, Фазлиддин Ғоибназаров эса Алес Умалсаковни 14:7 ҳисобида енгибди. Қобулжон Бобононовнинг рақиб Антон Каратаев рингга чиқмагани боис ғалаба боксчимизга берилди. Финалда иштирок этган яна бир боксчимиз Мирзоҳид Абдуллаев кумуш медаль билан кифояланди. Ярим финалгача етиб келган Аҳмад Мамажоновга эса бронза медали топширилди.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Миллионлаб футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар ҳам етиб келди. Январь-февраль ойларида терма жамоамиз иштирокида иккита расмий учрашув гувоҳига айланган мухлислар учун асосий футбол мавсуми баҳорнинг илк кунидан старт олди. Шу кун республикамизнинг 8 шахрида XVIII миллий чемпионатимиз байроғи кўтарилиб, дастлабки тур учрашувлари ўтказилди. Биринчи ўйинларга қараб жамоаларнинг мавсумга қандай тайёргарлик кўрганлиги баҳолаб бўлмайди, албатта. Деярли икки ойлик қишки танаффусдан сўнг футболчилар керакли формага тушиб олишлари учун вақт талаб этилади. Шундай бўлса-да, дастлабки тур учрашувлари жуда кўтаринки руҳда ўтди ва бир қатор кутилмаган натижаларни ҳада этди.

Сенсация деб аташ мумкин бўлган натижалардан бири Бекобод шахрида қайд этилди. Ўз майдонида мағлуб бўлиши ўта қийин бўлган маҳаллий «Металлург» жамоаси икки йиллик танаффусдан сўнг яна олий лигага қайтган «Хоразм»ни қабул қилди ва 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраб, меҳмонларга дастлабки уч очкони ҳада қилди.

Яна бир кутилмаган натижа Зарафшон шахрида қайд этилди. Ўтган мавсумда мамлакат чемпионатининг бронза медалларига сазовор бўлган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилган «Қизилқум» кучли рақибига қарши муносиб ўйин кўрсатди ва 2:1 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритди. Фарғоналиклар худди ўтган мавсумдагидек чемпионатни мағлубият билан бошлашга мажбур бўлишди.

Яна бир қизиқarli ва голларга бой учрашув Қарши

Сузиш

ЁШЛАР РЕКОРДЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Тошкентда сузиш бўйича Ўзбекистон қишки очик чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг деярли барча минтақалари ва Қозоғистондан ташриф буюрган 400 дан ошиқ спортчилар иштирок этишди.

Республика олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори 15 ёшли Юлдуз Қўчқорова мазкур чемпионатдаги асосий сенсация муаллифига айланди. Ёш, иқтидорли спортчи ўзининг сеvimли масофаси — 100 метрга чалқанча сузиш баҳсларида 25 йилдан буён ўзгармай келаётган мамлакат рекордини янгилашга муваффақ бўлди. 50 метрга чалқанча сузиш баҳсида ҳам Юлдуз яна бир республика рекордини ўрнатди ҳамда юртимиз спорт тарихига ёзиладиган бўлди.

— Турли сабабларга кўра спортдаги ўз иштирокларини яқунлаган спортчилар ўрнига келган ёшлар бизни жуда хурсанд этишмоқда, — дейди Ўзбекистон сузиш федерацияси бош котиби А. Гнедовский. — Бу эркакларга ҳам, аёлларга ҳам тегишли. Қизлар ўртасидаги баҳсларда андижонлик Раъно Омоновани ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. У қозоғистонлик кучли спортчилардан устун келишга эришди. 200 ва 400 метрга эркин сузиш ва комплекс сузиш баҳсларида унга тенг келадиган рақиб топилмади.

С. ПЎЛАТОВ.

«АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ»

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган «Ёшлик» спорт мажмуасида Республика Олимпия ва Хотин-қизлар кўмиталари ташаббуси билан 8 март — Хотин-қизлар кунига бағишланган «Аёллар спартакиадаси» бўлиб ўтди. «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остида ўтказилган мазкур мусобақада Мудофаа, Ички ишлар, Адлия, Олий ва ўрта-махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар иштирок этдилар.

Мусобақа бошланишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова сўзга чиқиб, спорт орқали хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларини жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга асос бўлишини таъкидлаб ўтди.

Мусобақада аёллар спортининг стол тенниси, волейбол, стритбол, бадминтон, гимнастрада турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Қизгин тус олган беллашувни кузатар экансиз, Тўмариев, Барчинойларимиз шижоати, гайрати ҳавасиниғизни келтиради.

— Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлиналарда хизмат қилаётган хотин-қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишлари жуда кучли, — дейди биз билан суҳбатда Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойнисо Нодирова. — Чунки ушбу касбнинг ўзи кишидан юксак жисмоний тайёргарликни, спорт билан мунтазам шуғулланишни тақозо этади. Жамоамиз беллашувга катта тайёргарлик билан келди. Натижалар ёмон эмас. Айниқса волейбол ва стритболда бизнинг жамоага тенг келадигани бўлмади.

— Ўтган йили умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган эдик, — дейди Қуроли Кучлар хизматчиси Ҳилола Ҳамроева. — Бу гал ҳам катта иштиёқ билан юқори кўрсаткичларини қўлга киритиш учун


ҳаракат қилдик. Спорт билан мунтазам шуғулланган инсон ўзини руҳан ва жисмонан тетик ҳис қилади. Ҳаракатлари чаққон бўлади. Қачонки, спорт ҳар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланса, ана шунда жамиятимизда соғлом турмуш тарзи шаклланади.

Севара Валиева Соғлиқни сақлаш вазирлигида хизмат қилади. Унинг жамоаси ҳам мусобақада яхши натижаларни қўлга киритди.

— Ҳукуматимизнинг биз аёлларга эътибори ва ишончидан чексиз хурсандимиз. Дарҳақиқат, аёл соғлом бўлса, миллат соғлом бўлади. Агар улар ўртасида мана шундай спорт ўйинлари тез-тез ўтказилса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки фарзандларининг бирор бир спорт тури билан мунтазам шуғулланишлари учун аввало аёлларимизнинг ўзлари спортга меҳр қўйишлари лозим бўлади. Спортга қизиққан бола эса ёмон йўлга қирмайди, мақсад сари дадил интилади, энг муҳими соғлом бўлади, — дейди С. Валиева.

Барча аёлларини бирлаштирган, қалбларга оламолам шодлик улашган беллашув якунига етди. Унга кўра, 1-ўрин Мудофаа вазирлиги жамоасига, 2 ва 3-ўринлар эса Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари жамоаларига насиб этди. Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Лола ТУРСУНБОЕВА.



МАДАНИЯТ



БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Аёлларни баҳор фаслига ўхшатишади. Нафосат айёми бўлган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамини ҳам баҳорнинг илк кунларида тантана қилиниши бежизга эмас. Айни кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ушбу сана муносабати билан турли кечалар, концерт дастурлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида ҳам бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган аёллар иштирок эттишти. Тадбирда «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи томонидан намоён этилган ажойиб мусиқий дастур опа-сингилларимиз учун муносиб байрам совғаси бўлди, десак янглишмаймиз.



Қўшиқда сеҳр, қудрат бор дейишади. Чунки у оҳанглар жилосида қувватланиб, қалб тўридан жой олади ва инсонни эзгулик, поклик сари етаклайди, қувонч ва завқ бағишлайди, дилларга ёруғлик олиб киради. Зеро, қўшиқнинг ўзига хос таровати, жозибаси бор. Айниқса юракдан куйланган қўшиқ, маромига етказиб ижро этилган рақс қалбга ҳаловат ва ҳузур бағишлайди. Инсон борки, қўшиқ тинглаганда бу беҳудуд дунёни бир лаҳза унутади, раққосанинг нафис хиром айлашига мафтун бўлади, оҳанг ва рақснинг мавжига сингиб кетади. Куй-қўшиқ ва рақс ана шундайин катта куч. Шунинг учун ҳам санъаткорлар ташриф буюрган масканларда хурсандчилик, шодлик ҳукм суради. Мазкур байрам дастури ҳам шу жиҳати билан барчага манзур бўлди. Айниқса, ёш хонандалар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Фарҳод Қамбаров, Женисбек Пиязов, Гулбаҳор Аҳимбетова, Дилшод Алиларнинг дилтортар қўшиқлари ва гуруҳ йигитлари куйлаган акапелла йўналишидаги тарона томошабинларнинг давомли олқишига сазовор бўлди. Бир-биридан бетакрор рақслар эса кечага янада файз бағишлади.

– Бугунги концертга фарзандларим билан келдим, – дейди Феруза Абдурахмонова. – Тадбир бизга жуда манзур бўлди. Тўғриси айтсам, анчадан

буён бугунгидек яйраб концерт томоша қилмаган эдим. Шунинг учун тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман.

Тадбир сўнггида ўзларининг дастурлари билан турли байрам ва тантаналарда фаол иштирок этиб келаётган «Ўзбегим ёшлари» гуруҳига Мудофаа вазирининг Фахрий ёрлиғи тантанали равишда топширилди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов Фахрий ёрлиқни топширар экан, эл ардоғидаги санъаткор опа-сингилларимизни, зални тўлдириб ўтирган аёлларни нафосат байрами билан қизгин қутлади.

Ҳа, аёл меҳр ва садоқат тимсоли. Улар туфайли дунёда муҳаббат, нафосат ва гўзаллик туйғулари барқарор. Шу боисдан ҳам аёлларни мадҳ этган шoirлар уларни гулга, баҳорга ўхшатишади. Ҳаётимизнинг гўзаллиги ва бетакрорлиги ҳам аслида аёлларимизнинг меҳри, вафоси, муҳаббати ва садоқатидадир. Аёл сиймосида тараладиган нур туфайли эзгулик, ҳаётнинг давомийлиги барқарор. Уйимизнинг файзи, рўзғор ўчоғининг ёниб туриши, оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ҳам бевосита аёлларга боғлиқ. Шундай экан, аёлларни қанчалик улуғласак, мадҳ этсак оз. Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган барча аёлларни нафосат байрами – Хотин-қизлар куни билан чин дилдан табриклаймиз. Байрамнинг муборак бўлсин, мунис ва меҳрибон оналар, муҳтарам аёллар, азиз сингиллар!

Муслима ўРОЛОВА.
Аббос УЛУҒХҲҲАЕВ суратга олган.

ЦВЕТНЫЕ ДОЖДИ

Перед началом концерта фортепианной музыки в зале Государственной консерватории все внимание зрителей было приковано к подтянутым, стройным парням, расположившимся в первых рядах. Ценители классической музыки искренне порадовало, что курсанты Ташкентского высшего общевойскового командного училища свое свободное время решили провести на концерте фортепианной музыки.

Характерная примета нашего времени – будущие офицеры твердо уверены, что обязаны не только овладеть наукой побеждать, достигать больших высот в спорте, но и быть всесторонне развитыми во всем, в том числе и в культурном и эстетическом плане.

Началось волшебное действо. На сцену вышли Адиба Шарипова и Виталий Сафонов, которые на двух роялях исполнили произведения, созданные композиторами XX века специально для фортепианного дуэта. Они звучат со сцены довольно редко, но эмоциональны, и заставляют каждого слушателя задуматься о жизни и о красоте мира, в котором мы живем. Поэтому-то и концерт носил оригинальное название «Цветные дожди».

В концертной программе прозвучали произведения: Пауля Хиндемита «Соната», Оливье Мессиана «Аминь», Клода Дебюсси «Симфонические эскизы – Море», Игоря Стравинского «Весна священная», Феликса и Дмитрия Янов-Яновских. Интерес зрителей своей неповторимостью представляло сочинение Джона Кейджа «4 минуты 33 секунды». Как раз столько времени собравшиеся слушали тишину, которая иной раз так необходима каждому человеку.

Наряду с исполнением музыкальных произведений, слушателей порадовали вокальным искусством и лауреаты международных конкурсов, ведущие солисты оперы ГАБТа им. А. Навои.

Замечательный концерт, являющийся совместным проектом Государственной консерватории Узбекистана и Дома-музея Мухтара Ашрафи, подошел к концу. Покидавшие зал курсанты ТВОКУ получили огромный заряд эстетического наслаждения от прозвучавшей волшебной музыки и завораживающего пения.

Николай ДИНЬКО.

«СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!»

Марказий офицерлар саройида 8 март – Хотин-қизлар байрами муносабати билан «Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл» деб номланган маданий-матрифиий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустақкам маънавий таянчларга эга. Ундаги соғлом муҳит соғлом онгли, соғлом эҳтиёжларни, ҳаётга тўғри муносабатларни шакллантириш манбаидир. Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оилалари фаровонлиги учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам Ватан тинчлиги, юрт ободлиги, эртанги кунимизга муносиб ўғил-қизлар тарбиялашда муҳим таянч бўлиш каби эзу мақсад мужассамдир. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими фаолияти айнан ана шу эзу мақсадга йўналтирилган. Бунида турли-туман маданий-матрифиий тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам иштирокчиларга бир олам завқ-шавқ улашди. Энг гўзал сатрлар аёл, онага бўлган муҳаббат таъсирида дунёга келиши сир эмас. Тадбирда янграган шейрлар буниг исботидир. Шу сабабли шoir Мунаввара Усмонованинг аёл, она тараннум этилган самимиятта тўлиқ шейрларини йиғилганлар қизгин кутиб олдилар. Бундан ташқари Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари, дилбар раққосаларининг чиқишлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз. Бу ҳақда Феруза Жўрабоева шундай дейди:

– Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган бундай эътибордан мамнуимиз. Баҳорнинг энг гўзал айёмларидан бирида мазкур маданий тадбир биз аёллар ва фарзандларимиз учун қутилмаган совға бўлди. Биз учун Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жуда қадри. Айниқса Зафарбек Бобожоновнинг қўшиқларини севиб тинглаймиз. Бугун ҳам унинг чиқиши бизни қувонтирди. Фарзандларим хонанда Сардор Раҳимхонни тинглашди. Тадбирда унинг иштирок этиш болаларим учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

Мен шейриятга жуда қизикман. Кўнглимга ёққан сатрларни дарҳол ёд оламан. Тадбирда шoirа Мунаввара Усмонова-

нинг иштироки кўплаб аёлларимиз қатори мени ҳам беҳад хурсанд қилди. Унинг «Соғин», «Узатилган қиз» шейрларини марок билан тингладим. Ана шундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб турилишини истардим. Бундан ташқари қўшиқ ва рақслар тадбир сурурини, шукўҳини оширди. Бир сўз билан айтганда, аёл-қизларга бағишланган мазкур тадбир баҳорнинг ўзи каби файзли, қувончли ўтди. Биз аёллар буни энг яхши байрам туҳфаси сифатида қабул қилдик. Барчамизга бирдек завқ-шавқ улашган тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Тароватли фасл бўлган баҳор юртимизда байрамлари кўплиги билан ҳам ўзига хос. Элимизда ана шундай байрамлар юртдошларимиз қалбига олам-олам сурурлар бахш этиб, бир-бирига улашиб кетаверсин.

Инобат НОДИРШОХОВА.



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби, Жануби-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокуратурининг ёрдамчиси адлия катта лейтенанти Темиралиев Дилшод Ибрагимжоновичга волидан муҳтарамаси

Бахриниса Набижановна ТЕМИРАЛИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси, Жануби-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокуратурининг катта ёрдамчиси адлия подполковниги Ҳаким Адилевич Джураевга падари бузруквори

АДИЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

| | | | |
|--|--|---|---|
| <p>ВАТАНПАРВАР</p> | | <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ. Шу сонга масъулар: майор А. УСМОНОВ, капитан Х. МИРЗАЕВ.</p> | <p>Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.</p> |
| <p>Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги</p> | <p>Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан</p> | <p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.</p> | <p>«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уюмида чоп этилади. Босма ҳолатида: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.</p> |
| <p>МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаши раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚУЧҚОРОВ, Алишер МУНИНОВ, Нуриддин МУЛЛАБОВЕВ, Шухрат ТҲАТАЕВ, Абдусаттор ЭРҒАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.</p> | | <p>Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.</p> | <p>«Ватанпарвар» газетаси таҳририятнинг компьютер марказида Р. Исламова ва Э. Хошимов томонидан саҳифаланиди.</p> |
| | | <p>Таҳририят фикри муаллифлар нуктаи назари билан фарқланши мумкин. Таҳририятга келган кўчма, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> | <p>Газета жума кунини чиқаради. Адади 27200. Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-7016.</p> |